БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 22 (7469)
23 ЯНВАРЬ
ШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон ССР колхозларида ёш молларни ўстириш, катта молларни тўла сақлаш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажарганлик учун колхозчиларга қўшимча меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисида СССР Министрлар Советининг қарори (1-нчи бет).

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медаллар блан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармони (2-нчи бет).

Республикамиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сайловларига тайёрланмоқдалар (2-нчи бет).

Пахтачилик илғорларининг мурожаатига кўклам дала ишларига тайёрликни ҳартарафлама кучайтириш блан жавоб берамиз! (3-нчи бет).

А. Х. Лалаян. — Қишлоқ хўжалик артелининг Устави—колхоз ҳаётининг бузулмас қонуни (3-нчи бет).

Мўғулистон халқ республикаси ташқи ишлар министри Лхамсуруннинг баёноти (4-нчи бет).

Тинчлик ва Совет Иттифоқи блан дўстлик учун! (4-нчи бет).

Колхоз партия ташкилотларининг муҳим вазифаси

Пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати ўзбек халқининг пахта мўл ҳосили учун олиб бораётган курашида катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Бу мурожаатда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида колхоз ва совхозлар, машина-трактор станциялари, партия, совет ташкилотлари олдида турган барча асосий вазифалар аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар партияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган 4-нчи пленуми 1949 қишлоқ хўжалик йили якунларини чуқур муҳокама қилди. Партия ташкилотларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик ишларида йўл қўйган хато ва камчиликларини очиб ташлади ва бу йил Ўзбекистон партия ташкилотлари олдида турган ғоят муҳим вазифаларни белгилаб берди.

1950 йилда Ўзбекистон пахтакорлари олдига ғоят мас'улиятли вазифа қўйилган. **Биз бу йил мамлакатга ўтган йилга қараганда камида ярим миллион тонна ортиқ пахта беришимиз, бунинг учун 30—40 ва 50 центнер ҳосил етиштирувчи колхозлар сонини икки-уч баравар оширишимиз, республикада гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам колхоз бўлмаслигига эришишимиз керак.**

Совет Иттифоқининг пахта кони бўлган Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги мана шу асосий вазифани бажариш учун ҳамма имкониятлар мавжуддир. Иттифоқ ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин Ўзбекистонда пахтачиликни тобора ривожлантириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Бу йил Иттифоқ ҳукумати Ўзбекистон колхозларига ўтган йилга қараганда икки-уч баравар ортиқ трактор, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғит беришга қарор қилди. Бу тадбирлар колхозларнинг жамоат бойлигини янада кўпайтиришга, колхозчиларнинг пахтадан оладиган даромадини кўп миқдорда оширишга сабаб бўлади ва колхозчиларни пахтадан мўл ҳосил етиштиришга рағбатлантиради.

Ўзбекистоннинг юзлаб илғор колхозлари ўтган йил ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф блан бажариб, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин эканлигини амалий ишлари блан исбот қилдилар.

Пахтачилик илғорлари VI қурултойи томонидан қабул қилинган мурожаатда кўрсатилган барча тадбирларни ҳарбир колхозда, ҳарбир бригадада ўз вақтида ва пухта бажариш, кўклам экин кампаниясига большевикча тайёргарлик кўришда колхоз партия ташкилотлари ва барча қишлоқ коммунистлари зиммасига ғоят мас'улиятли вазифалар юклатилган. Бошланғич партия ташкилотлари партиямизнинг асосидир. Партия барча ишларини шу бошланғич ташкилотлар орқали ва уларга суяниб олиб боради. Партия пахтачиликни ривожлантириш сталинча программасининг муваффақиятли равишда бажарилиши учун даставвал колхоз партия ташкилотларидан, қишлоқ коммунистларидан қаттиқ жавобгарлик талаб қилади.

Ўзбекистон большевикларининг X с'езди ҳам ҳарбир колхоз партия ташкилоти ишига унинг пахтачиликни ривожлантириш программасини бажариш соҳасидаги амалий ишларига қараб баҳо берилади, деб та'кидлаган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда колхоз партия ташкилотларининг ва барча қишлоқ коммунистларининг бутун диққат ва э'тибори кўклам экин кампаниясига большевикча тайёргарлик масалаларига қаратилиши лозим.

Колхоз партия ташкилотлари пахтакорлар VI қурултойининг мурожаатини ҳарбир колхозчининг онгига чуқур сингдиришлари, умумхалқ мусобақасининг чинакам ташкилотчиси бўлмоқлари керак. Мурожаатни колхозларда, бригада ва звеноларда чуқур ва ҳартарафлама муҳокама қилиш, ҳарбир бригада ва звенонинг шароитига қараб, ўтган йилдаги ишнинг натижаларини қаттиқ ҳисобга олган ҳолда конкрет мусобақа шартномалари тузиб чиқиш зарур. Социалистик мусобақани шундай ташкил қилиш керакки, бирорта ҳам колхозчи мусобақадан четда қолмасин, олинган мажбуриятлар тез-тез текширилиб турилсин, мусобақа илғорларининг тажрибалари кенг оммалаштирилсин.

Коммунистларнинг авангардлигини кучайтириш учун уларни барча асосий участкаларга тўғри тақсимлаш — катта аҳамиятга эгадир. Илғор районлардаги партия ташкилотларининг иш тажрибаси буни айниқса равшан исбот қилади.

Ўтган йили Жиззах, Пастдарғом, Каганович, Чинобод район партия ташкилотлари пахтачиликни ривожлантириш учун курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Жиззах районида 35 колхознинг ҳаммаси, коммунистлар бошлиқ бригада ва звеноларнинг барчаси пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Коммунистлар шахсан ибрат кўрсатиб, барча колхозчиларни фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирдилар. Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли, Сталин номли ва «Қизил Қўшчи» колхозларидаги бошланғич партия ташкилотлари колхоз правлениеси иши устидан назорат қилиб турдилар, унга ҳар доим амалий ёрдам бердилар. Партия йиғилишларида, бригада ва звено бошлиғи бўлган коммунистларнинг, правление раисининг ҳисоботини эшитиб турдилар. Колхозчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни системали равишда олиб бордилар.

Район партия комитетларининг вазифаси колхозчилар оммасини мўл ҳосил учун курашга чинакам сафарбар қилаолган, сиёсий-оммавий ишларни намунали ташкил этган шундай илғор колхоз партия ташкилотларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш, барча колхоз партия ташкилотларининг ҳам партиявий-сиёсий ишларни намунали ташкил қилишига эришишдан иборатдир.

Ҳарбир колхоз партия ташкилоти кўклам экин кампанияси даврида социалистик мусобақани уюштириш ва сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш юзасидан аниқ планга эга бўлиши лозим. Бу планда колхозчилар ўртасида олиб бориладиган барча сиёсий-оммавий ишларнинг шакл ва усуллари кўрсатилиши лозим. Қишлоқ коммунистлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет активлари, қишлоқ зиёлилари шу планни бажариш учун партия ташкилоти теварагига мустаҳкам жипслаштирилиши керак.

Кўклам экин кампаниясига большевикча тайёргарлик кўриш соҳасида колхоз партия ташкилотлари олдида турган ғоят буюк ва мас'улиятли вазифаларнинг муваффақият блан бажарилиши — колхоз партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини тобора кучайтиришга, ташкилий-сиёсий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга боғлиқдир. Бу эса район партия комитетларидан колхоз партия ташкилотларига раҳбарликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришни талаб қилади. Айниқса ўтган йил пахта тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлай олмаган колхоз партия ташкилотларини партиявий-сиёсий ишларда тажрибали, яхши ташкилотчилар блан мустаҳкамлашга катта э'тибор қилиш керак.

Кўклам экин кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш, 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг гаровидир. Колхоз партия ташкилотлари ва қишлоқдаги барча коммунистларнинг энг муҳим вазифаси ўзбек пахтакорларининг бу йил мамлакатга ўтган йилга қараганда камида ярим миллион тонна ортиқ пахта топшириш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ҳаракатига бошчилик қилиш, мўл ҳосил учун курашнинг чинакам тарғиботчиси ва ташкилотчиси бўлишдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР колхозларида ёш молларни ўстириш, катта молларни тўла сақлаш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажарганлик учун колхозчиларга қўшимча меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисида

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ССР Иттифоқи Министрлар Совети **қарор қилади:**

СССР Министрлар Советининг «Колхозларда ёш ҳайвонларни ўстириш, катта молларни тўла сақлаш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажарганлик учун колхозчиларга қўшимча меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисида» деб 1949 йил 21 апрельда чиқарган қарори муносабати блан Ўзбекистон ССРининг колхозларига 1949 йилдан бошлаб колхозчиларга ёш ҳайвонларни ўстириш, катта молларни тўла сақлаш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни ошириб бажарганлик учун меҳнат кунлари бўйича белгиланган ҳақдан ташқари қуйидаги миқдорда қўшимча ҳақ тўлаш тавсия қилинсин.

ҚОРАМОЛ ФЕРМАЛАРИДА

а) камида 8 сигир ва ғунажинни боққан сут соғувчи-мол боқувчига биркитиб қўйилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан бузоқ олиб, бу бузоқларни 15 — 20 кун мобайнида бузоқ боқувчига топширгунча соғлом сақлаганлиги учун 150 литр сут ёки битта 4 ойлик бузоқ берилсин, биркитилган сигир ва ғунажинлардан камида 90 процент бузоқ олиб ўстирганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин.

8 тадан кам сигир ва ғунажинни боққанда биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан бузоқ олиб, бу бузоқларни 15 —20 кунгача соғлом сақлаганда ўстирилган ҳарбир бузоқ учун 8 литр сут ёки тирик вазнда 2 килограмм ҳисобидан чўчқа боласи, қўзи (эчки боласи) берилсин;

б) камида 8 сигир ва ғунажин боққан сут соғувчига биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан соғлом бузоқлар олиб, туғилган ҳамма бузоқларни бузоқ боқувчига топширганлиги учун 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин.

8 тадан кам сигир ва ғунажинни боққанда, биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан соғлом бузоқлар олиб, уларни туғилгандан кейин бузоқ боқувчига топширганда олинган ҳарбир бузоқ учун 4 литрдан сут ёки тирик вазнда бир килограмм ҳисобидан чўчқа боласи, қўзи (эчки боласи) берилсин;

в) камида 8 сигир ва ғунажинни боққан ва бузоқларни 6 ойгача ўстирган сут соғувчи-мол боқувчига биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан соғлом бузоқ олиб, бу бузоқларни мол боқувчи-подачига топширгунча 6 ой соғлом сақлаганлиги учун 250 литр сут ёки битта 6 ойлик бузоқ берилсин, биркитиб берилган сигир ва ғунажинлардан олинган бузоқларнинг камида 90 процентини ўстирганда 150 литр сут ёки битта 4 ойлик бузоқ берилсин.

8 тадан кам сигир ва ғунажинни боққанда биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан бузоқ олиб, уларни 6 ойгача ўстирганда ҳарбир бузоқ учун 16 литр сут ёки тирик вазнда 4 килограмм ҳисобидан чўчқа боласи, қўзи (эчки боласи) берилсин;

г) камида 10 та сигир ва ғунажинни боққан сут соғувчи-мол боқувчи (бузоқларни сутдан ажратгунча эмизиш усули қўлланилганда) биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан бузоқ олганлиги ва ҳамма бузоқларни ўстирганлиги учун 150 литр сут ёки битта тўрт ойлик бузоқ берилсин, бузоқларнинг камида 90 процентини ўстирилганда 75 литр сут ёки 4 ойлик битта қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин.

10 тадан кам сигир ва ғунажин боқилганда биркитиб берилган ҳамма сигир ва ғунажинлардан бузоқ олиб, уларни сутдан ажратилгунча ўстирганда ҳарбир бузоқ учун 8 литрдан сут ёки тирик вазнда 2 килограмм ҳисобидан чўчқа боласи, қўзи (эчки боласи) берилсин;

д) ўстириш учун олинган ҳамма бузоқларни 15 — 20 кун сақлаган ва ўстирган бузоқ боқувчига ўстирилган ҳар 40—50 бузоқ учун 150 литр сут ёки битта 4 ойлик бузоқ берилсин, ўстириш учун олинган бузоқларнинг камида 95 процентини соғлом сақлаганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин.

Камроқ миқдорда бузоқ боқилганда бузоқларни 15—20 кунгача тўла сақлаган ва ўстирганда ўстирилган ҳарбир бузоқ учун 3 литрдан сут ёки тирик вазнда 0,8 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин, ўстириш учун олинган бузоқларнинг камида 95 процентини соғлом сақлаганда 2 литрдан сут ёки тирик вазнда 0,5 килограмм ҳисобидан гўшт берилсин;

е) ўстириш учун олинган ҳамма бузоқларни 15 — 20 кундан 6 ойгача сақлаган ва ўстирган бузоқ боқувчига ўстирилган ҳар 20 — 25 бузоқ учун 150 литр сут ёки битта 4 ойлик бузоқ, ўстириш учун олинган бузоқларнинг камида 95 процентини сақлаганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин.

20 тадан кам бузоқ боқилганда уларни 6 ойгача тўла сақлаган ва ўстирганда ҳарбир бузоқ учун 6 литрдан сут ёки тирик вазнда 1,5 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин;

ж) ўстириш учун олинган ҳамма бузоқларни туғилган кунидан тортиб 6 ойгача сақлаган ва ўстирган бузоқ боқувчига ўстирилган ҳар 20 — 25 бузоқ учун 225 литр сут ёки битта 5 ойлик бузоқ берилсин, ўстириш учун олинган ҳамма бузоқларнинг камида 95 процентини сақлаганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта икки ойлик чўчқа боласи берилсин.

20 тадан кам бузоқ боқилганда бузоқларни 6 ойгача тўла сақлаган ва ўстирганда ҳарбир бузоқ учун 8 литрдан сут ёки тирик вазнда 2 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин;

з) 6 ойликдан тортиб 1 ёшгача бўлган ёш молларни боққан мол боқувчи-подачига биркитиб берилган 30 — 50 бош молни тўла сақлаганлиги учун 250 литр сут ёки битта 6 ойлик бузоқ берилсин, биркитиб берилган молларнинг камида 97 процентини тўла сақлаганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин;

и) катта ёшдаги молларни ва 1 ёшдан катта бўлган ёш молларни боқувчи-подачига биркитиб берилган 30 — 50 бош молни тўла сақлаганлиги учун 150 литр сут ёки битта тўрт ойлик бузоқ берилсин, биркитиб берилган молларнинг камида 97 процентини сақлаганда 75 литр сут ёки битта 4 ойлик қўзи (эчки боласи) ёки битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин;

к) буқаларни боқувчига, буқалар семиз ҳолда сақланган ва фермадаги сигирлардан бирортаси ҳам қисир қолмаган (ҳарбир сигирдан йил ичида соғлом бузоқ олинган) тақдирда, фермадаги ҳарбир қочирилган ва болалаган сигир учун 8 литрдан сут ёки тирик вазнда 2 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин, фермадаги сигир ва ғунажинларнинг камида 95 проценти болалаганида 4 литрдан сут ёки тирик вазнда 1 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин;

л) семиртириладиган молларни боқувчи-подачига боқувдаги молларнинг тирик вазнини ошириш планини ошириб бажарганлиги учун молни подадан ёки боқувдан олган вақтда белгиланган пландан ташқари ортдирилган ҳар 10 килограмм учун 4 литрдан сут ёки тирик вазнда 1 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин.

Бундан ташқари, семиз ҳолда мажбурият ҳисобига давлатга топширилган ёки пландан ташқари давлатга сотилган ҳарбир йирик қорамолнинг тирик вазни ҳисобидан 5 процент гўшт берилсин, семизлиги ўртачадан юқори ҳолда мажбурият ҳисобига давлатга топширилган ёки давлатга пландан ташқари сотилган ҳарбир йирик қорамолнинг тирик вазнидан 3 процент гўшт берилсин;

м) турли ёшдаги молларни боққан подачига биркитиб берилган ҳамма молларни тўла сақлаганлиги учун 6 литрдан сут ёки 1,5 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин; биркитиб берилган молларнинг камида 97 процентини сақлаганда ҳарбир бош мол учун 4 литрдан сут ёки тирик вазнда 1 килограммдан гўшт берилсин;

н) йирик қорамол фермасининг мудири ёки колхоз чорвачилик мудирига ўрта ҳисобда йил бошида бўлган 100 сигирдан камида 90 бузоқ ўстириб, чорва молларини урчитиш планини бажарганда ўстирилган ҳар 40 бузоқ учун 250 литр сут ёки битта 6 ойлик бузоқ берилсин, ёш моллари кам бўлган фермаларда ўстирилган ҳарбир бузоқ учун 4 литрдан сут ёки тирик вазнда 1 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин.

Бундан ташқари, фермадаги 1 ёшдан катта бўлган молларнинг камида 98 процентини бир йил давомида сақлаб қолганлик учун ферма мудирига 150 литр сут ёки битта 4 ойлик бузоқ берилсин, колхоз чорвачилик мудирига сақлаб қолинган ҳарбир бузоқ учун бир литрдан сут ёки тирик вазнда 0,25 килограмм ҳисобидан қўзи (эчки боласи), чўчқа боласи берилсин;

о) сут соғувчига сут соғиш планини ошириб бажарганлик учун: биркитиб берилган сигирлардан сут соғиш плани ҳарбир соғим сигирдан 1.500 литргача бўлганда — пландан ташқари соғилган сутнинг 20 проценти, сут соғиш плани 1.500 дан 2.000 литргача бўлганда — пландан ташқари соғилган сутнинг 25 проценти, сут соғиш плани 2.000 дан 2.500 литргача бўлганда — пландан ташқари соғилган сутнинг 30 проценти, сут соғиш плани 2.500 литрдан 3000 литргача бўлганда 35 проценти, сут соғиш плани 3.000 литрдан юқори бўлганда — пландан ташқари соғилган сутнинг 40 проценти миқдорида сут берилсин.

Мол боқувчи-подачига ўзи боққан сигирлардан сут соғиш плани ошириб бажарилганлиги учун пландан ташқари соғилган сутнинг 5 проценти миқдорида сут берилсин;

п) йирик қорамоллар фермаси мудири ёки колхоз чорвачилик мудирига фермада сут соғиш плани ошириб бажарилганлиги учун пландан ташқари соғилган сутнинг 3 проценти натура блан берилсин.

ҚЎЙЧИЛИК (ЭЧКИЧИЛИК) ФЕРМАЛАРИДА

а) чўпонлар бригадасига йил бошида бўлган қочирилган 100 совлиқ ва шишак қўйдан (эчкидан) дағал жунли қўйлар бўйича камида 102 қўзи, қоракўл қўйлари (тери учун сўйилганларини ҳам ҳисобга олиб) ва бошқа дағал жунли қўйлар бўйича 100 қўзи, жайдари эчкилар бўйича 120 эчки боласи, ангор эчкилари бўйича 100 эчки боласи олиб, сутдан ажратгунча сақлаганлиги учун — шу кўрсатилган миқдордан ортиқ сақланиб қолган ҳамма қўзи (эчки)ларнинг ярми берилсин.

Бундан ташқари, катта қўйлар (эчкилар)нинг ва сутдан ажратилган қўзилар (эчки болалари)нинг камида 97 процентини йил охиригача сақлаганлик учун — 97 процентдан ташқари сақлаб қолинган ҳамма қўй (эчки) ва қўзи (эчки болалари) нинг ярми берилсин;

б) семиртириладиган қўйларни (эчкиларни) боққан чўпонларга семиз ҳолда гўшт мажбурияти ҳисобига давлатга топширилган ёки давлатга пландан ташқари сотилган ҳарбир бош қўй (эчки) учун тирик вазни ҳисобидан 1,5 килограмм гўшт берилсин, семизлиги ўртачадан юқори ҳолда гўшт мажбурияти ҳисобига давлатга топширилган ёки давлатга пландан ташқари сотилган ҳарбир бош қўй (эчки) учун тирик вазн ҳисобида 1 килограмм гўшт берилсин;

в) қўчқор ёки такаларни боқувчи чўпонларга қўчқор ёки такалар тўла ва семиз ҳолда сақланган, фермадаги ҳар 100 қочирилган совлиқ ва шишак қўйдан (эчкидан) ушбу бўлимнинг «а» бандида кўрсатилган миқдорда қўй (эчки)ларнинг наслига қараб (қўзи, эчки боласи) олинган тақдирда, ҳарбир бош қўчқор ёки така учун тирик вазнда 2 килограммдан гўшт берилсин;

г) биркитиб берилган қўйлардан жун қирқиш плани ошириб бажарилганлиги учун чўпонларга пландан ташқари қирқилган жуннинг 15 проценти берилсин;

д) қўйчилик (эчкичилик) фермасининг мудири ёки колхоз чорвачилик мудирига фермада ҳар 100 совлиқ ва қочирилган шишак қўйдан (эчкидан): дағал жунли қўйлардан 100 қўзи, қоракўл қўйлардан (тери учун сўйилган қўзилар ҳам шу ҳисобга киради) ва бошқа хил дағал жунли қўйлардан 98 қўзи, жайдари эчкилардан 118 эчки боласи, ангор эчкиларидан 98 эчки боласи олиб, уларни сутдан ажратгунча сақлаганлик, шунингдек катта қўй (эчки)ларнинг ва сутдан ажратилган қўзи (эчки болалари)нинг камида 97 процентини йил мобайнида сақлаганлик учун чўпонларга қўшимча ҳақ тариқасида берилган қўзи (эчки болалари) ва қўй (эчки)ларнинг ўндан бир қисми берилсин;

е) қўйчилик (эчкичилик) фермаси мудири ёки колхоз чорвачилик мудирига жун қирқиш планини ошириб бажарганлик учун фермада пландан ташқари қирқилган жуннинг 4 проценти натура блан берилсин.

Чўпонлар бригадасига тегишли бўлган қўшимча ҳақ бригада а'золари томонидан ишланган меҳнат кунларининг миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

ЧЎЧҚАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА

а) чўчқачилик фермаларида ишловчи колхозчиларга биркитиб берилган ҳамма она чўчқалардан ҳар болалашда ўрта ҳисоб блан 7 тадан ортиқ чўчқа боласини 2 ойгача ўстирганлик учун шу кўрсатилган миқдордан ортиқ ўстирилган 2 ойлик чўчқа боласининг бештасидан биттаси берилсин;

б) катта чўчқаларни ва 2 ойликдан катта бўлган чўчқа болаларини боқувчи колхозчиларга ўзига биркитилган чўчқаларнинг камида 98 процентини тўла сақлаганликлари учун битта 2 ойлик чўчқа боласи берилсин;

в) чўчқачилик фермаларида ишловчи колхозчиларга ёғлиқ, ўртача ёғлиқ ва семиз ҳолда гўшт мажбурияти ҳисобига топширилган ёки давлатга пландан ташқари сотилган чўчқаларнинг тирик вазни ҳисобидан 5 проценти берилсин, ўртача тирик вазни камида 70 килограмм қилиб давлатга топширилган чўчқаларнинг тирик вазнидан 3 процент гўшт берилсин;

г) чўчқачилик фермаси мудири ёки колхоз чорвачилик мудирига фермадаги ҳамма чўчқаларнинг камида 97 процентини сақлаган ва фермадаги ҳамма она чўчқалардан бир болалашда ўрта ҳисоб блан камида 7 чўчқа боласи ўстирганда, чўчқачилик фермасининг ходимларига қўшимча ҳақ сифатида берилган чўчқа болаларининг тўртдан бир қисми берилсин;

д) колхоз раисига, чўчқачилик фермасининг мудирига ёки колхоз чорвачилик мудирига ёғлиқ, ўртача ёғлиқ ва семиз ҳолда гўшт мажбурияти ҳисобига давлатга топширилган ёки давлатга пландан ташқари сотилган чўчқаларнинг тирик вазнидан 2 проценти берилсин.

Йилнинг биринчи ярмида олинган чўчқа болаларини ўстирганлик учун қўшимча ҳақ мазкур чўчқа болалари сутдан ажратилгандан кейин берилсин, лекин колхоз йилнинг биринчи ярми учун давлатга гўшт топшириш мажбурияти планини бажарган бўлиши шарт, йилнинг иккинчи ярмида олинган чўчқа болаларини ўстирганлик учун тегишли бўлган қўшимча ҳақ йил охирида берилсин.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА

а) жўжаларнинг 90 процентидан кўпроғини 5 ойгача, курка болаларининг 85 процентидан кўпроғини 5 ойгача, ғоз болаларининг 90 процентидан кўпроғини 6 ойгача, ўрдак болаларининг 94 процентини 3 ойгача асраган паррандачиларга пландан ташқари сақланган ёш паррандаларнинг 25 проценти, паррандачилик фермасининг мудирига, ёки чорвачилик мудирига ва колхоз раисига 5 проценти берилсин;

б) товуқларни тухумлатиш планини ошириб бажарганлик учун ҳарбир товуқнинг тухум қилиш плани йилига 100 тагача бўлганда, паррандачига пландан ташқари олинган тухумларнинг бешдан бир қисми, тухум қилиш плани 100 дан ортиқ бўлганда пландан ташқари олинган тухумларнинг учдан бир қисми берилсин;

в) паррандачилик фермаси мудирига ёки колхоз чорвачилик мудирига ва колхоз раисига фермада тухум плани ошириб бажарилганлиги учун ҳарбирига пландан ташқари олинган тухумларнинг 5 проценти берилади.

ЕМ-ХАШАК ҒАМЛАГАНЛИГИ УЧУН

а) хашак, молга едириладиган сабзавот, полиз ва силос қилинадиган ўтлар ҳосили планини ошириб бажарилганда бригада ёки звено планида белгилангандан ташқари олинган ҳар тонна ем-хашак учун 50 литр сут берилсин;

б) табиий пичанзорлардан, шунингдек экилган ўтлардан пичан ўриш планини ошириб бажарганлик учун бригада ёки звено планида белгиланган миқдордан ортиқ олинган ҳар тонна пичан учун 75 литр сут берилсин;

в) қўшимча меҳнат ҳақи колхозчиларнинг ем-хашак ўстириш ва тайёрлаш ишларида ишлаган меҳнат кунлари миқдорига мутаносиб равишда бригада ва звеноларнинг а'золари ўртасида тақсимланади.

Қўшимча ҳақ тариқасида тегишли бўлган сут ўрнига, колхозчининг розилиги блан, шунга тенг бўлган миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари берилиши мумкин.

КОЛХОЗ А'ЗОСИ БЎЛГАН ЗООТЕХНИКЛАР ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ХОДИМЛАРИГА

Колхоз а'зоси бўлган зоотехникка, ветеринария врачига, ветеринария техникига ва ветеринария фельдшерига чорвачилик фермаси мудири ёки колхоз чорвачилик мудири учун ёзилган қўшимча ҳақнинг 50 проценти колхоз а'зоси бўлган кичик ветеринария фельдшерига ва чорвачилик техникига 30 проценти миқдорида қўшимча ҳақ берилсин.

Ёш молларни урчитиш ва катта молларни сақлаш юзасидан берилган топшириқларнинг ошириб бажарилганлиги учун колхозчиларга ушбу қарорга мувофиқ қўшимча ҳақ ферма ва бригадада чорва молларини урчитиш плани бажарилган тақдирдагина тўлансин.

СССР Министрлар Советининг Раиси И. СТАЛИН.

СССР Министрлар Советининг Ишлар Мудири М. ПОМАЗНЕВ.

1949 йил 30 декабрь. Москва, Кремль.

АФҒОНИСТОН ЭЛЧИСИ СУЛТОН АҲМАДХОН ЖАНОБЛАРИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ Н. М. ШВЕРНИККА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Шверник 26 январьда Кремльда Афғонистоннинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Султон Аҳмадхон жанобларини қабул қилди. Султон Аҳмадхон жаноблари ўзининг ишонч ёрлиқларини топширди.

Султон Аҳмадхон жаноблари блан бирга Элчихонанинг Иккинчи Секретарьлари Муҳаммад Ҳошимхон жаноблари ва Муҳаммад Яҳ'ёхон жаноблари ҳам келдилар. Элчи Н. М. Шверникни булар блан таништирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш вақтида СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. А. Зорин, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. Ф. Горкин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари Бўлими Мудирининг вазифасини ижро этучи М. А. Максимов ҳозир бўлдилар.

Ишонч ёрлиқлари топширилганидан кейин Н. М. Шверник Султон Аҳмадхон жаноблари блан суҳбат қилди. Суҳбатда В. А. Зорин қатнашди. (ТАСС).

Республикамиз меҳнаткашлари СССР Олий Совети сайловларига тайёрланмоқдалар

Қарши районидаги 2-нчи МТС коллективи СССР Олий Совети сайловлари шарафига стахановчасига ишламоқда. Комсомол а'зоси М. Н. Яхмин сайловлар муносабати блан кундалик топшириқни ҳардоим 250 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: монтаж цехининг мастери ўртоқ Қосим Расулов стахановчи М. Н. Яхмининг иш сифатини текширмоқда.

Я. Каминер фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

БЕШИИЛЛИК ПЛАН АДО ЭТИЛДИ

ЧИРЧИҚ, (УзТАГ). Чирчиқдаги пойафзал фабрикасининг коллективи 1949 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан бешийллик планда кўрсатилган даражага етган эди. Ҳозир коллектив СССР Олий Совети сайловлари шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Фабрика маҳсулот ишлаб чиқариш бешйиллик планини бажариш олдида турипти. Ҳозир цехлар 1950 йил декабрининг охирги ўнкунлиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

САЙЛОВ ОЛДИ МУСОБАҚАСИ

ФАРҒОНА, (УзТАГ). Фарғонадаги пиллакашлик фабрикасининг коллективи СССР Олий Совети сайловлари шарафига стахановча вахтада туриб ишламоқда. Стахановча вахтада туриб ишлаётган ишчилар, инженер ва техник ходимлари орасида сайловларда биринчи марта қатнашучи ёш ишчилардан 100 дан ортиқ стахановчи бор.

Фабрика комсомол комитетининг а'зоси Нина Коваленко сайлов олди мусобақасига қўшилиб, пилла тортадиган икки станокда ишлашга кўчди. У, ҳозир нормани икки ҳиссадан ошириб бажармоқда.

Шунингдек пилла тортучи Игумнова ҳам икки станокда ишлашга кўчди. Ўртоқ Ернева стахановча вахтада туриб, тўрт станок ўрнига олти станокда ишлаш мажбуриятини олди.

Ҳозир фабрикада 35 дан ортиқ ёш стахановчи икки ва ундан ҳам кўпроқ станокда ишлашга кўчди.

АГИТАТОРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 67-нчи агитпункт сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборди. Агитпункт мудири ўртоқ Аршанский агитаторлар блан икки марта семинар ўтказди. Семинарда «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»ни меҳнаткашларга тушунтириш ҳақида агитаторларга кўрсатмалар берилди.

«Узшвейтрест»га қарашли 1-нчи завод ҳузуридаги агитпункт яхши ишламоқда. Завод партия ташкилоти омма ўртасида сиёсий ишларни олиб боришда тажриба ортдирган мутахассис ва стахановчиларни агитатор қилиб тайинлади.

14-нчи нон заводи ҳузуридаги агитпункт Чимкент кўчасида яшовчи аҳолига хизмат қилади. Агитаторлардан Аршинова, Ветков, Теплих ўртоқлар 17, 33 сонли уйларда яшовчи сайловчилар ўртасида бирнеча марта суҳбат ўтказдилар.

Район партия комитети агитаторлар учун семинар ўтказмоқда. Сўнгги семинарда «Сталин Конституцияси — дун'ёда энг демократик Конституция» деган темада лекция ва халқаро аҳвол тўғрисида доклад ўтказилди.

ЯНГИ САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ

Янгийўл шаҳрида сўнгги тўрт йил ичида юзларча катта-катта уйлар, маданий-маиший эҳтиёжларга хизмат қиладиган ўнларча бинолар қурилди. Якка тартибда минглаб уй солинди. Янги-янги кўчалар пайдо бўлди. Шу муносабат блан шаҳарда СССР Олий Советига сайловлар ўтказиш учун, ўтган сайловлардагига қараганда қўшимча равишда 6 та янги сайлов участкаси тузилди.

Калинин номли, Собир Раҳимов номли кўчаларда яшовчи аҳоли сайлов кунида ўнйиллик мактаб биносига жойлашган янги сайлов участкасида овоз беради.

Участка сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатилмоқда

ТОШКЕНТ

Шаҳардаги корхона ва муассасаларда, коммунистик ва жамоат ташкилотларида участка сайлов комиссиялари а'золигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар зўр сиёсий активлик блан ўтмоқда.

«Узбексельмаш» заводининг коммунистлар ташкилоти участка сайлов комиссияси составига темирчилик-пресс цехининг бошлиғи, корхонанинг энг яхши ишчиларидан ва жамоат ходимларидан бири бўлган ўртоқ А. Н. Сагаковни тавсия этишга қарор қилди.

Пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари участка сайлов комиссияси составига стахановчи Г. Х. Собитова номзодини кўрсатдилар.

Участка сайлов комиссиялари составига кўрсатилган номзодлар орасида «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг мастери Д. Турсунов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи М. П. Полинская, ферментация заводининг ишчиси Р. Т. Дрикина ва бошқалар бор.

НАМАНГАН

НАМАНГАН, (УзТАГ). Меҳнаткашлар депутатлари Уйчи район Советининг ижроия комитети Уйчи районида 30 та сайлов участкаси ташкил қилди. Ҳозир участка сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатилабошланди. Колхозларда, мактабларда, машина-трактор станциялари ва муассасаларда кўп кишилик йиғилишлар ўтмоқда. Меҳнаткашлар бу йиғилишларда участка сайлов комиссиялари составига меҳнаткашларнинг ҳурматига сазовор бўлган пахтакорларни, стахановчи тракторчиларни, врачларни, ўқитучиларни, партия ва совет ходимларини кўрсатмоқдалар.

Ленин номидаги ўрта мактаб ўқитучиларининг коллективи комиссия составига мактаб директори Саиджон Раҳматуллаевни, Калинин номли колхоз а'золарининг йиғилиши бригада бошлиғи, мўл ҳосил устаси Муҳторхон Қорабоевани кўрсатди. Уйчи районидаги 1-нчи МТСнинг ишчи ва хизматчилари сайлов комиссияси составига старший механик Собиржон Даҳабоевни тавсия қилдилар.

Сайловчиларнинг топшириғини тўла бажарамиз

(Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. Дўстов блан суҳбат)

Самарқанд шаҳар меҳнаткашлари СССР Олий Советига бўладиган сайловларга тайёрланиш блан бирга, ўтган сайловдан буён қилинган ишларга якун ясамоқдалар.

Самарқанднинг фабрика ва заводларида сўнгги йилларда катта ўзгаришлар юз берди. Шаҳар корхоналарида янги цехлар, бинолар қурилди, янги асбоб-ускуналар ўрнатилди, ишлабчиқариш маданияти юксалди. «Кинап» заводи, «8-нчи Март», 26 Боку комиссари номли, «Ҳужум» фабрикалари янги техника блан ускуналанди. Шаҳар корхоналарида янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, маҳсулотнинг хили кўпайтирилди ва сифати яхшиланди. Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилган кино аппаратлари, чой, қуруқ мева, консерва ва бошқа хил маҳсулотлар Ўзбекистон шаҳарларидагина эмас, балки Совет Иттифоқининг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам сотилмоқда.

Самарқанд олий ўқув юртлари шаҳридир. Олтита олий ўқув юртида, ўн бешта ўрта мактабда минглярча студент ва ўқучи ўқимоқда. Сўнгги тўрт йил ичида студентлар сони 82 процент ортди.

Шаҳар аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. 163 та янги магазин, чойхона, дўкон очилди, шаҳарнинг марказида учта универмаг, махсус фирма магазинлари ишлаб турипти.

Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишга катта э'тибор берилмоқда. Ҳамма корхоналарда медицина пунктлари очилди, касалхоналардаги ўринлар сони кўпайтирилди, туғруқхона кенгайтирилди.

Самарқанд шаҳри йилдан-йил обод бўлмоқда. Сўнгги тўрт йил ичида якка тартибда қарийб 400 та уй қурилди. Октябрь, Карл Маркс кўчалари, Сиёб районининг марказий қисми қайтадан қурилди. Бирқанча катта ва кичик кўприк солинди. Совет кўчасига тош ётқизила бошланди. Ҳозир шаҳарда трамвай ва такси машиналар қатнаб турибди. Автобус паркининг машиналари кўпайтирилди.

Самарқанд шаҳар меҳнаткашлари бўлажак сайловларга партиямизнинг раҳбарлиги остида баланд руҳ блан тайёрланмоқдалар. Улар меҳнат соҳасида, ўз шаҳарларини янада обод ва гўзал қилиш йўлида янада кўпроқ муваффақиятларга эришиш учун фидокорона меҳнат қилажаклар.

Тўқимачиларнинг янги мажбуриятлари

Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатининг ишчилари ва мутахассислари СССР Олий Советига сайловлар шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, 1950 йилнинг I квартали планини муддатидан олдин бажариш юзасидан ўз зиммаларига янги мажбуриятлар олдилар. Комбинатнинг корхоналарида юзларча агитаторлар ишчиларга «СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида Низом»ни тушунтирмоқдалар.

Комбинатнинг донгдор стахановчи йигирувчиларидан Турсуной Ёрмуҳаммедова, М. Азизова, мастер ёрдамчиси Зиё Муҳаммедов, тўқучи Пурия Маҳсумова ва бошқалар бешйиллик планни муддатидан олдин бажариб, сайловлар кунигача квартал нормасини бажаришга ва фақат биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар.

Иккинчи йигирув-тўқув фабрикасининг тараш цехи а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи цех деган фахрли номни олишга сазовор бўлди. Бу ғалаба коллективни социалистик мусобақада янгидан-янги ютуқларга илҳомлантирмоқда.

Одатда, ускуналарни маҳсулотнинг турига қараб мослаштириш учун икки ҳафта вақт талаб этилар эди. Цех коллективи бу ишни икки кунда бажарди. Ҳозир цех ҳар куни пландан ташқари 400 килограммдан маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Комбинатда 427 та новатор бор. Ўтган йили комбинатда ихтиро'чилик ва рационализаторлик таклифлари амалга оширилганлиги туфайли 6 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежалди. Ҳозир рационализаторлар ишлабчиқариш процессларини такомиллаштириш, янги техникани жорий қилиш ва ускуналарнинг иш унумини оширишга оид янги ихтиро'лар яратиш устида зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Рационализаторлардан Груздев, Романенко, Науменков ўртоқлар тараш машиналарини автомат усулда тўхтатадиган механизмлар ихтиро' қилдилар. Соболев ва Офейгенден ўртоқлар томонидан ихтиро' қилинган янги установка читга гул босиш фабрикасининг бракларидан фойдаланиб, йилига камида 320 минг сўм маблағ тежаш имкониятини беради.

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг шонли коллективи СССР Олий Советига сайловлар шарафига бошланган мусобақада ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни шараф блан бажариш учун курашмоқда.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 1-нчи агитпунктда. Суратда: ёш сайловчилардан Мақсуда Аҳмедова (ўнгдан чапга олдинги қаторда) ва Муқаддас Орифжонова ўртоқлар сайлов Низоми блан танишмоқдалар.

В. Лейн фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

Оҳангарондаги 9-нчи шахтада СССР Олий Совети сайловлари шарафига социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Суратда: мусобақа қатнашчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати кўмир қазучи Раҳмонқул Мелибоев (чапда) ва моторист Зоя Баширова ўртоқлар кундалик нормани 150 процент бажармоқдалар.

А. Ашкинезер фотоси. (УзТАГ фотохроникаси).

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАР ШАРАФ БЛАН БАЖАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига қарашли Бекободдаги Далварзин мотор-ремонт заводининг коллективи СССР Олий Совети сайловлари шарафига олинган социалистик мажбуриятни муваффақият блан бажармоқда. Коллектив трактор моторларини капитал ремонтдан чиқариш квартал программасини 15 февральгача бажариш мажбуриятини олди. Январь ойида моторларни капитал ремонтдан чиқариш плани 15 кун ичида адо этилди.

СССР Олий Совети сайловлари шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашаётган Аблакимов, Алиев, Кудрин, Гранкина, Бабанов, Кириев, Кориков, Соболев, Окунев ва Бобров ўртоқлар ҳар куни смена топшириғини иккиуч баравар ошириб бажармоқдалар.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ТОБОРА КУЧАЙМОҚДА

АНДИЖОН, (УзТАГ). «Строммашина» заводининг ҳамма цехларида, СССР Олий Советн сайловлари шарафига корхона коллективи олган мажбуриятлар ёзилган плакат осиб қўйилган. Плакатга: «12 мартгача биринчи кварталнинг ишлабчиқариш программасини бажарамиз, маҳсулот таннархини 10 процент камайтирамиз» деб ёзилган.

Заводнинг ҳамма ишчилари, инженер-техник ходимлари бу мажбуриятни бажариш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилдилар. Қуюв цехи ва иккинчи механика цехи ходимлари кетидан, корхонанинг бутун коллективи стахановча вахтада туриб ишлашга киришди. Қуючилар бирқанча детальларни тайёрлаш юзасидан ойлик планни ҳозирданоқ ошириб бажардилар. Қолипчилардан Комилов, Қосимов, стерженчи Нуштаева ўртоқлар айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. Шу кунларда улар нормани иккп ярим ва уч баравар ошириб бажармоқдалар. Иккинчи механика цехида донгдор қолипчи Михаил Тарасов олдинда бормоқда. У, топшириқни уч-тўрт ҳисса ошириб бажармоқда. Ўртоқ Тарасов бешйилликнинг бошидан буён 10 йиллик нормани адо этди.

Заводнинг инженер-техник ходимлари ишчиларга социалистик мажбуриятларни бажариш учун ҳартарафлама ёрдам бермоқдалар. Технологлар ва конструкторлар янги техникани кенг жорий қилиш, ишлабчиқариш технологиясини мукаммаллаштириш, нобудгарчиликка қарши кураш тадбирларини тайёрламоқдалар ва амалга оширмоқдалар.

ЁЗУЧИЛАР ВА ШОИРЛАР ПОЙТАХТ АГИТПУНКТЛАРИДА

Шу кунларда республикамиз пойтахтининг ёзучилари ва шоирлари сайлов кампаниясини ўтказишда актив қатнашмоқдалар. Ўзбекистон Совет ёзучилари союзининг а'золари И. Муслимов, А. Сечко ва бошқа ўртоқлар агитатор бўлиб ишламоқдалар. Ёзучилардан тўрт бригада ташкил этилди. Бу бригадалар Тошкент шаҳридаги Ленин ва Сталин районларидаги агитпунктларда, корхона ва муассасаларда адабий кечалар ўтказдилар. Бригадалар составида ёзучи ва шоирлардан М. Шайхзода, Т. Фаттоҳ, Мирмуҳсин, Зулфия, С. Сомова, А. Мухтор ва бошқа ўртоқлар бор.

Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи ўзбек халқи Сталин Конституцияси қуёши остида бахтли ҳаёт қураётганлиги ҳақида ва меҳнаткашларнинг улуғ доҳийси ўртоқ Сталин ҳақида ше'р, очерк ва ҳикоялар тўпламини нашрга тайёрламоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида *)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирмабеш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун **мукофотлансин:**

ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН

157. **Шукурова** Анор — Сурхондар'ё область, Денов районидаги Охунбобоев номли колхознинг звено бошлиғи.

158. **Шарипов** Карим — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги 3-нчи МТСнинг директори.

159. **Йўлдошев** Фозил — Ўзбекистон халқ шоири.

160. **Юсупов** Усмон — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг биринчи секретари.

161. **Юсупова** Офтоб — Бухоро область, Свердлов районидаги «III Интернационал» колхозининг бригада бошлиғи.

162. **Юсупов** Бобораҳмат — Сурхондар'ё область, Денов районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

163. **Янгибоев** Ғоффор — Самарқанд область, Жиззах районидаги 1-нчи МТС трактор бригадасининг бошлиғи.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН

1. **Аббосов** Мухтор — Фарғона область меҳнаткашлар депутатлари Бағдод район Совети ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

2. **Аббосов** Ях'ё Ҳайдарович — Фарғона область, Қўқон электромеханика заводининг директори.

3. **Абдалин** Александр Степанович — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг бўлим мудири.

4. **Абдуллаев** Шопўлат — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

5. **Абдураззоқов** Маликжон — Ўзбекистон К(б)П Қашқадар'ё область комитетининг секретари.

6. **Абдуллаев** Ҳабиб Муҳаммедович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президентининг ўринбосари.

7. **Абдуллаев** Мелибой — Фарғона область, Қўқон районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

8. **Абдуллаев** Карим — Ўзбекистон К(б)П Тошкент область, Орджоникидзе район комитетининг биринчи секретари.

9. **Абдуллаев** Худойберган — Тошкент областидаги Кауфманск ғишт заводининг кочегари.

10. **Абдураҳмонов** Миркомил — Фарғона область, Тошлоқ районидаги «Янги йўл» колхозининг раиси.

11. **Абдусатторов** Абдураҳмон — Фарғона область, Қўқон 2-нчи ёғ заводининг кочегари.

12. **Абдураззоқов** Каримжон — Андижон область, Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси.

13. **Абдуқаҳҳоров** Нοби — Ўзбекистон К(б)П Қашқадар'ё область, Шаҳрисабз район комитетининг биринчи секретари.

14. **Абдураззоқова** Хуртожи — Андижон область, Хўжаобод районидаги Будённий номли колхознинг а'зоси.

15. **Абдуллаев** Азиз — Ўзбекистон К(б)П Бухоро область комитетининг секретари.

16. **Абдужабборов** Абдусаттор —

17. **Абдибеков** Султон — Андижон область, Избоскан районидаги «Қизил кўшин» колхозининг раиси.

18. **Абдураҳмонова** Меҳрихон Аҳмадалиевна — Ўзбекистон К(б)П Наманган шаҳар комитетининг бўлим мудири.

19. **Абдиев** Омон — Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Қизил кўшин» колхозининг раиси.

20. **Абдураҳимова** Мағфират — Самарқанд область, Иштихон районидаги "Қизил ..." номли колхознинг звено бошлиғи.

21. **Абдураҳимов** Усмон — Ўзбекистон К(б)П Наманган область, Норин район комитетининг биринчи секретари.

22. **Абдиалимов** Нормат — Самарқанд область, Жиззах районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

23. **Абдалниёзов** Ота — Хоразм область, Хева районидаги Орджоникидзе номли колхознинг раиси.

24. **Абдураҳмонов** Султон — Ўзбекистон К(б)П Андижон область, Холдевонбек район комитетининг биринчи секретари.

25. **Абдиев** Имом — Қашқадар'ё область, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси.

26. **Афзалов** Жамол — Фарғона область меҳнаткашлар депутатлари Бувайда район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи.

27. **Афзалов** Сағир — Қашқадар'ё область, Яккабоғ районидаги 1-нчи МТСнинг комбайнчиси.

28. **Афзалов** Ориф — Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги партия мактабининг ўқучиси.

29. **Обиддинов** Ҳасан — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд область, Пойариқ район комитетининг биринчи секретари.

30. **Обидов** Маҳкам — Наманган область, Норин районидаги Учтепа қишлоқ советининг раиси.

31. **Обидов** Мамазокир — Фарғона область, Қува районидаги «Саноат» колхозининг раиси.

32. **Обидова** Шарофат — Самарқанддаги қурт уруғи заводининг мастери.

33. **Обуянчинов** Борис Павлович — пахтачилик конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари.

34. **Абубакиров** Шокир — Бухоро область меҳнаткашлар депутатлари Ғиждувон район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи.

35. **Аванесов** Аркадий Арсенович — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министрлиги Фарғона область бошқармасининг бошлиғи.

36. **Агеев** Илья Кириллович — Тошкент қоғоз комбинатининг бош инженери.

37. **А'замов** Азиз — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар, Фрунзе район комитетининг биринчи секретари.

38. **Адизов** Рўзи — Бухоро область, Коган районидаги «Намуна» колхозининг раиси.

39. **Одилов** Султон — Бухоро область, Свердлов районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

40. **Одилов** Бори — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакили.

41. **Азимов** Шамси — Самарқанд область, Пахтакор районидаги Сталин номли колхознинг раиси.

42. **Азимов** Алим — Самарқанд область меҳнаткашлар депутатлари Жиззах район Совети ижроия комитетининг раиси.

43. **Азизов** Маматқул — Сурхондар'ё область, Жарқўрғон районидаги «Қизил карвон» колхозининг раиси.

44. **Азизов** Абдулҳай — Ўзбекистон ЛКСМ Фарғона область, Куйбишев район комитетининг секретари.

(ДАВОМИ БОР)

*) Боши «Қизил Ўзбекистон»нинг 17, 19, 20, 24 январь сонларида босилган.

ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг пленуми

25 январьда ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Пленум шу вақтгача ВКП(б) Москва шаҳар, Ленинград район комитетининг секретари бўлиб ишлаб келган ўртоқ **И. И. Румянцевни** ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ **И. А. Парфеновни** ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретарьлиги вазифасидан озод қилди.

Пленум шу вақтгача ВКП(б) Москва шаҳар, Фрунзе район комитетининг секретари бўлиб ишлаб келган ўртоқ **Е. А. Пурцевани** ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари қилиб сайлади.

ВКП(б) Москва шаҳар комитетининг пленуми ўртоқ **М. А. Ясновни** ВКП(б) Москва шаҳар комитети бюросига а'зо қилиб сайлади. (ТАСС).

СССР Совет ёзучилари союзи правлениесининг XIII пленуми

СССР Совет ёзучилари союзи правлениесининг XIII пленуми 26 январьда ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда ўзбек совет адабиётининг аҳволи тўғрисида Ш. Рашидовнинг доклади ва Н. Тихоновнинг қўшимча доклади муҳокама қилиниб бўлди.

Иттифоқ ва автоном республикаларнинг ёзучилари сўзга чиқиб, миллий адабиётнинг юксалганлиги ҳақида гапирдилар. Совет ёзучилари союзи миллий комиссиялари бюроси ва союз правлениесининг бир қатор ишларини танқид қилдилар. Жумладан, ёзучилар союзи, секретариат ва миллий комиссиялар бюроси республика ёзучилар союзларининг ишларига суст раҳбарлик қилганликлари кўрсатилди.

Кечки мажлисда СССР Совет ёзучилари союзи бош секретарининг ўринбосари ўртоқ К. М. Симонов «Совет болалар адабиётининг ҳозирги аҳволи ва унинг тараққиётига доир ба'зи масалалар тўғрисида» доклад қилди.

Докладчи совет болалар адабиёти коммунизм сари бораётган мамлакатимиздаги ҳаётнинг кўп масалаларини ўз ичига олган кўп жанрли катта адабиётдир, бу адабиётда кўп миллатларнинг вакиллари қатнашмоқдалар, деди. Докладчининг фикрича, болалар учун ёзилаётган китобларнинг кўпчилиги ёш авлодни тарбиялаш масалаларини тўғри ҳал этмоқда.

1946—48 йиллар мобайнида мамлакатимизда болалар учун 3.350 номли, жам'и 116 миллион нусха китоб нашр этилди. С. Маршак, А. Барто, С. Михалковлар кўпгина ажойиб асарлар ёздилар. Болалар И. Ликстановнинг «Болажон», Н. Василенконинг «Юлдузча», Л. Воронкованинг «Городище қишлоғи», А. Мусатовнинг «Стожарлар», М. Прилежаеванинг «Ўртоқларинг сен блан», В. Осееванинг «Васек Трубачев ва унинг ўртоқлари» деган китобларини ҳамда ҳозирги замоннинг муҳим темаларига бағишланган бошқа китобларни севиб ўқимоқдалар.

Шундан кейин докладчи танқид масалалари ва болалар адабиётининг вазифаларига тўхталиб ўтди.

Пленум 27 январьда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

Пахтачилик илғорларининг мурожаатига кўклам дала ишларига тайёрликни ҳартарафлама кучайтириш блан жавоб берамиз!

Мурожаат совхоз ишчилари муҳокамасида

ХОВОС, («Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбиридан). 2-нчи «Боёвут» совхозининг ишчилари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини қизғин муҳокама қилабошладилар.

Совхоз ишчилари мурожаатга жавобан, бу йил 2.700 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили олиш учун тегишли тадбирларни белгилаётирлар. Ҳамма бўлим, бригада ва звеноларда бу йил республикамизда давлатга ўтган йилдагига нисбатан 500 минг тонна кўп пахта етказиб беришга муносиб ҳисса қўшиш юзасидан социалистик мусобақа бошланиб кетди.

Совхозда ҳозиргача 1.021 гектар қўриқ ер ҳайдалиб, чигит экишга тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, 449 гектар ерда академик Вильямс усулида кузги шудгор ўтказилди. 28 — 30 сантиметр чуқурликда ҳайдалган ернинг ҳар гектарига 450 килограммдан суперфосфат солинди.

Совхоз коллективи СССР Олий Советига сайловлар куни — 12 мартгача кўклам ишларини 100 процент бажариб, март ойининг охиридаёқ чигит экишга киришишни мўлжалламоқда.

Янгиқўрғон пахтакорларининг мажбурияти

НАМАНГАН, 26 январь. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Янгиқўрғон районидаги «Ленинчи йўл» колхозининг 300 дан ортиқ эр ва аёл колхозчиси қизил чойхонага тўпланиб, республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи қатнашчиларининг мурожаатини тингладилар.

Колхоз раиси ўртоқ Қаюмов колхозчиларнинг умумий йиғилишини очиб, илғор бригада бошлиғи ўртоқ Отахон Эгамбердиевга сўз берди.

— Ўтган йили, — деди ўртоқ Эгамбердиев, — бригадамиз 31 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта топширди. Қурултой вакиллари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришда бизнинг олдимизга жуда катта вазифаларни қўйдилар. Биз бу ерда, ўз а'золаримиз блан маслаҳатлашиб, 1950 йилда ҳар гектар ердан камида 45 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилдик.

Биз бу мажбуриятни бажариш учун кўкламга пухта тайёрлик кўрмоқдамиз. Ҳамма еримиз ғўзапоядан тозаланди. 75 процент пахта ерини шудгор қилиб қўйдик. Ариқ-зовурларни тартибга келтирмоқдамиз. Бригадамиз ҳозиргача 60 тонна маҳаллий ўғит тайёрлаб қўйди.

Ўтган йили 282 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан пахта топшириб, ўз ва'дасини бажарган бу колхознинг а'золари бу йил ҳар гектар ердан камида 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Районнинг жуда кўп колхозларида қурултой мурожаатини муҳокама қилишга бағишланган шундай йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Короскон қишлоқ советидаги «Коммунизм» колхозининг а'золари, мурожаатга жавобан, ҳар гектар ердан ўтган йилги 32 центнер ўрнига 40 центнердан, Ойқирон қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золари 50 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олиб, социалистик мусобақага қўшилдилар.

Кўкламга тайёрлик кучайтирилмоқда

Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районининг колхозчилари, МТС ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбориш тўғрисидаги мурожаатини қизғин ма'қулладилар.

Учинчи овул советидаги Куйбишев номли колхоз а'золари 1950 йилнинг кўкламига тайёргарликни пахта йиғим-терими вақтидаёқ бошлаб юборган эдилар. Далалар ўз вақтида ғўзапоядан тозаланиб, чимқирқарли плуглар блан сифатли шудгорланди. Ариқ-зовурлар тозаланди. Ўртоқ Ўтамурод Исмоилов бошлиқ бригада ўзига бириктилган ерларга яхоб берди. Ҳозир бригада а'золари маҳаллий ўғитларни далага чиқармоқдалар.

Куйбишев номли колхознинг а'золари кўкламга тайёргарлик ишларини 1 мартгача тамомлаш, чигитни узоғи блан ўн кун ичида экиб бўлиш, ёзда ғўзаларни агротехника қоидаларига мувофиқ яхши парвариш қилиш ва ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили олиш учун курашмоқдалар.

— Ўтган йили, — дейди, Ворошилов номли колхознинг раиси ўртоқ Назархонов,—колхозимизда пахта тайёрлаш плани 110 процент бажарилган бўлса ҳам, ишимизда талайгина жиддий камчиликлар юз берган эди. Бу камчиликлардан бири шуки, асосий пахтачилик ишларини бажаришда кампаниячиликка йўл қўйилди. Масалан, далага гўнг чиқариш блан шуғуллансак, бошқа ишларни унутиб қўяр эдик. Бу йил биз ишимизни бошқача ташкил қиламиз, ҳамма тадбирларни комплекс усулда амалга оширамиз.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши пахта ҳосилини 1949 йилдагига нисбатан гектар бошига 5—6 центнердан оширишга қарор қилди. Ўртоқ Жуманиёзов бошлиқ бригада ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олди.

Биринчи овул советидаги Охунбобоев номли, бешинчи овул советидаги «XVII партс'езд», еттинчи овул советидаги Сталин номли колхозлар ҳам бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

Г. КАРИМБЕРДИЕВ.

Қорасув районидаги «8-нчи Март» колхозида республика пахтачилик илғорлари VI қурултойининг мурожаатини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш бўлди. Суратда: колхоз комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Қўчқор Байзоқов йиғилишда мурожаатни ўқиб бермоқда.
И. Глауберзон фотоси.

Мажбуриятни бажаришга амалий равишда киришдилар

Тошкент область, Бўка районидаги Вильямс номли колхозининг а'золари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини зўр хурсандлик блан муҳокама қилиб, 1950 йилда пахтадан яна ҳам юқори ҳосил етиштириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Ўтган йили 520 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнерга яқин ҳосил етиштирган бу колхоз пахтачилик илғорлари қурултойининг мурожаатида муносиб ўринни олди. Мурожаатда ўтган йили пахтадан юқори ҳосил олган илғор колхозлар бирма-бир саналар экан, булар орасида Бўка районидаги ана шу Вильямс номли колхоз ҳам бор. Кўп йиллардан бери пахта етиштиришда орқада қолиб келган Бўка райони ва ўз колхозларининг илғорлар даражасига ўтиши колхозчиларни беҳисоб хурсанд қилмоқда. Қурултой вакили, колхоз раиси ўртоқ Соли Худойберганов бундай дейди:

— Ўтган 1949 йилда пахтадан юқори ҳосил олишимизга асосий сабаб шуки, биз қийинчиликларни енгишга олдиндан ҳозирлик кўрдик. Я'ни пахта ерларини чигит экишга барвақт тайёрлаб, чигитни эрта муддатда, агротехника қоидалари асосида экиб, апрель ойидаёқ ҳамма еримизда чигитнинг бир текис униб чиқишини та'минладик. Экилган чигитнинг ҳаммаси униб чиқишини кутиб ўлтирмай, қайси участкада чигит унган бўлса ўша ердаги ғўзани дарҳол парвариш қилишга—чаналашга, культивация қилишга киришдик. Натижада ғўзанинг биринчи парваришини 10 майда тамомлашга муваффақ бўлдик.

Чигит барвақт экилиб, ғўзани ўз вақтида юқори сифатли парвариш қилгандан кейин, ҳосил эрта етилиши ҳаммага аён. Демак, биз илғор пахтакорларнинг тажрибаси ва илғор агрономия фани муваффақиятларидан яхши фойдаланиб, ғўзани ўз вақтида парвариш қилсак ҳосилни тез етилтирамиз ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил оламиз. Қурултой қатнашчилари пахтакорларимиз олдига ҳосилнинг камида 80 процентини биринчи совуқ тушгунга қадар, я'ни 15—20 октябрьгача пишиб етилтиришни та'минлаш вазифасини қўйдилар. Бу—пахтачилик соҳасидаги ҳамма ишларни энг қисқа ва эрта муддатларда илғор агротехника қоидасига мувофиқ ўтказишга боғлиқдир.

Колхозчилар қурултой қатнашчиларининг мурожаатига жавобан бу йил 660 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. 660 гектар ернинг 400 гектари кузда академик Вильямс та'лимоти асосида 28—30 сантиметр чуқурликда чимқирқарли плуг блан шудгор қилинди. Шудгорлаш олдидан ерларнинг шароитига қараб 450 килограммдан суперфосфат солинди. Бу ерлар баҳорда қайта ҳайдалмасдан, борона босиб, ба'зи ўтириб қолган ерларни чизеллаб, сўнгра чигит экилаверади. Шудгор қилинмай қолган бошқа ерлар ҳам 20 мартгача ҳайдаб экишга тайёрланади.

Колхознинг айрим бригада ва звенолари бу йил пахтадан ўтган йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун ўз устларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Ўтган йили ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олган комсомол Жалил Шодмонов бошлиқ бригада а'золари бу йил 27 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан, Холбой Муродов бошлиқ звено а'золари эса, 6 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. 35 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олган ўртоқ Ашур Каримов бошлиқ бригада а'золари бу йил ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштиришга қарор бердилар.

Колхознинг ҳарбир а'зоси мурожаат асосида ўз устига социалистик мажбурият олмоқда. Колхозчи Эрназар Тошев, Абдусаттор Бобобеков ўртоқлар бу йил ҳарбирлари ўрта ҳисоб блан 3 тоннадан пахта етиштиришга сўз бериб, барча колхозчиларни социалистик мусобақага чақирдилар. Колхозчилар йил давомида ҳарбирлари ўрта ҳисобда энг камида 250—300 тадан меҳнат куни ишлашга сўз бердилар.

Вильямс номли колхоз а'золари шу кунларда колхоз территориясидаги ариқ ва зовурларни қазимоқдалар. Далага маҳаллий ўғит чиқаришни кучайтирмоқдалар. Колхоз устахонасида қишлоқ хўжалик машина асбоблари ремонт қилинмоқда. Илғор колхознинг а'золари СССР Олий Советига сайловлар кунини кўкламга тайёрлик ишларини туталлаш блан кутиб олиш учун сайловолди социалистик мусобақасини тобора кучайтирмоқдалар.

С. ҲАСАН.

АГРОНОМ МАСЛАҲАТИ

Ерларнинг шўрини ювиш—мўл ҳосил гарови

Шўр ерларни ювиш ер бетида ва унинг устки қатламларида тўпланган, ўсимликлар учун зарарли бўлган тузларни йўқотишда энг муҳим тадбирдир. Шўр ерларни ўз вақтида сифатли қилиб ювиш пахтадан мўл ҳосил олишга ёрдам берадиган муҳим агротехника чораларидан биридир. Ювилмаган шўр ерларда чигит ола чиқади, ба'зи жойларда эса, бутунлай унмай қолади. Шўр ерларда ғўза авж олиб ўсолмайди, кам ҳосил беради, тола сифати ҳам яхши бўлмайди.

Шунинг учун ҳам пахтачилик илғорлари VI қурултойи бу масалага ҳам катта э'тибор берди.

Шунга қарамай 1950 йилда чигит экиладиган шўр ерларнинг кўп қисми то ҳозиргача ҳам ювилмай келади. Шўр ерларни узоғи блан 15 февральгача ювиш учун ҳамма имкониятларни сафарбар қилиш зарур.

Шўр ерларни ювишни кўкламга қолдириш ярамайди, чунки кўкламда шўр ювиш ер ости сувларини юзага кўтаради, чигит экишнинг кечикишига сабаб бўлади ва ернинг яна шўрланишига олиб келади.

Шўр ерларни ювишга тайёрлаш ва ювиш учун барча воситаларни ишга солиб, ҳаво очиқ бўлган ҳарбир илиқ кундан тўла фойдаланиш керак. Сувни тежаб-тергаб сарфлаш, шўрни яхши ювиш учун — ювиладиган ерларни диққат блан текислаш, ҳамма дўнг ва чуқурларни йўқотиш зарур.

Илгаридан ҳайдалиб келаётган ерларда шўри ўртача ва кўп бўлган ерларни ювишга асосий э'тиборни қаратиш лозим. Кузда ҳайдалган ва ҳайдалмаган ҳамма шўр ерларни ювиш мумкин.

Шўрни яхши ювиш учун пол ва ўқариқлар тўғри олиниши лозим. Тупроқнинг хусусияти ва ернинг сатҳига қараб пол 0,05 гектардан 0,25 гектаргача катталикда олиниши мумкин.

Ерни ювиш вақтида сув нормасини тўғри белгилашга айниқса катта э'тибор бериш керак. Эскидан ҳайдалиб келган ерларда сув нормаси қуйидагича бўлиши зарур: чунончи, шўри кам ерлар гектарига 1.500 кубометрдан 2.500 кубометргача норма блан бир марта, шўри ўртача бўлган ерлар гектарига 2.500—3.500 кубометр норма блан бир-икки марта, шўри кўп бўлган ерлар 3.000—4.000 кубометр норма блан икки марта ювилиши керак.

Шўр ерларни ёппасига бостириб ювиш, сувнинг оқиб кетиши ва бир полдан иккинчисига ўтишига йўл қўймаслик керак.

Ювилган ҳамма ерларни тобига келгандан кейин диққат блан бороналаш зарур. Коллектор — зовурлар тозаланиши ва тузатилиши лозим.

А. НЕРОЗИН.

СоюзНИХИ мелиорация секторининг илмий ходими.

Қишлоқ хўжалик артелининг Устави— колхоз ҳаётининг бузилмас қонуни

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг «Колхозларда қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишга барҳам бериш чоралари ҳақида» 1946 йил 19 сентябрьда чиқарган қарори колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлашда ғоят катта роль ўйнади.

Қишлоқ хўжалик артелининг Уставида партия ва ҳукуматнинг социалистик қурилиш соҳасидаги сиёсати акс эттирилган. Қишлоқ хўжалик артелининг Устави жамоат хўжалигини ҳартомонлама мустаҳкамлаш, социалистик қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришини ҳартомонлама кенгайтиришнинг ташкилий шаклларини ва асосларини белгилаб, жамоат манфаатини блан колхозчиларнинг шахсий манфаатларини бир-бирига боғлаб олиб бориш йўлларини жуда тўғри ҳал қилиб берди. Устав колхоз а'золаридан жамоат хўжалигини тинмай мустаҳкамлаш, жамоат мулкини кўзқорачиғидай сақлашни ва фидокорона меҳнат қилишни талаб этади. Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш даставвал, Уставнинг ҳарбир моддасига қаттиқ риоя қилишга ва уни бажаришга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалик артелининг Устави— колхоз ҳаётининг бузилмас қонунидир. Уставга қаттиқ риоя қилиш ва уни бажариш ҳарбир колхозчининг, ҳарбир партия ва совет ходимининг бурчидир.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети «Колхозларда қишлоқ хўжалик артелининг Уставини бузишга барҳам бериш чоралари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорида меҳнат кунларини нотўғри сарфлаш, колхозларнинг жамоат ерларини талон-торож қилиш, колхоз мулкини талаш, колхозларни идора қилишдаги демократик асосларини бузиш сингари қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш фактларини кўрсатиб, бу фактларни «колхозларнинг иши учун ғоят зарарли ва мамлакатимиздаги бутун социалистик қурилиш учун жуда хавфли» деб топди ва «...Ленинизмга зарарли ҳамда ёт бўлган ва партия ҳамда ҳукуматнинг сиёсатини ва қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишдан иборат шундай ҳолларга узил-кесил хотима бериш лозим» деб ҳисоблади.

Бу қарор чиқарилгандан бери ўтган давр ичида қишлоқ хўжалик артели Уставини бузишга барҳам бериш ва колхозларга раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш юзасидан анчагина ишлар қилинди.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори э'лон қилингандан кейин ўтган уч йил ичида республикамиздаги колхозларнинг ма'мурий-идора ходимлари ва ёрдамчи ишлардаги ходимлари учун меҳнат кунлари сарфлаш 39 процент камайди. Ҳаддан ташқари кўпайтирилган ма'мурий ва идора штатларини қисқартириш ҳисобига 70 мингдан ортиқ киши бевосита дала ишларига тортилди. Колхозчиларнинг қонунсиз равишда кенгайтирилган томорқа участкаларидан, айрим муассаса ва корхоналар қонунсиз равишда фойдаланиб келган жамоат ерларидан 54.426 гектар ер, йигирма мингдан ортиқ чорва моллари, жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотлари, ғалла ва анча миқдорда жамоат мулклари колхозларга қайтариб берилди. Шу давр ичида турли муассасалардан, ташкилотлардан ва айрим шахслардан колхозларнинг 340 миллион сўм миқдордаги дебитор қарзлари ундирилди. Колхозларни идора қилишдаги демократик асосларга риоя қилиш соҳасида бирмунча ишлар қилинди.

Броқ қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш, Уставнинг бузилишига барҳам бериш соҳасида ҳали жиддий камчиликлар бор.

1950 йилда колхозлар олдида ғоят катта сиёсий-хўжалик вазифалар турипти. Бу вазифалардан энг муҳими — республикада пахтачиликни янада ривожлантириш ва республика пахтакорларининг олтинчи қурултойида бу йил мамлакатга ўтган йиллардагидан 500 минг тонна кўп пахта етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятни шараф блан бажаришдан иборатдир.

Ҳозир республика колхозларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмоқда. Бу йиғилишларда колхозчилар колхознинг ишлабчиқариш, хўжалик ва молия ишларининг якунларини муҳокама қиладилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш— колхоз ҳаётида муҳим давр ҳисобланади.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари ҳисобот сайлов йиғилишларига тайёрланиш ва уларни ўтказишда колхозларга ва колхозчиларга ёрдам беришлари, колхоз правлениеларининг ишидаги камчиликларни очиб ташлашлари, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш учун конкрет амалий тадбирлар белгилашлари зарур. Бу ишда асосий э'тибор қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилиш ва унинг ҳарбир моддасини бажариш масаласига қаратилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг 17-нчи моддаси «...ҳалол ишлашни, Устав талабларига, умумий йиғилиш ва правление қарорларига итоат қилишни, ички тартиб қоидаларига риоя қилишни, правление ва бригада бошлиғи томонидан ўзларига юклатилган ишларни ва жамоат ишларига доир мажбуриятларни астойдил бажаришни, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилишни» талаб этади. Уставнинг бу талаби колхоз жамоат хўжалигини ривожлантириш ва колхозчиларнинг фаровонлигини оширишнинг муҳим шартидир.

Меҳнат кунлари минимумини бажариш колхозчиларнинг жамоат меҳнатида қатнашиш даражасини кўрсатадиган ме'ёрдир. 1949 қишлоқ хўжалик йилининг биринчи даврида республика колхозларида 14.927 киши, иккинчи даврида 11.003 киши ва учинчи даврида 9.297 киши меҳнат минимумларини бажармади. Бу рақамлар айрим колхозларда меҳнат интизоми чидаб бўлмаслик даражада бўшашиб кетганлигини кўрсатади. Масалан, Янгиқўрғон районининг Зарбдор қишлоқ советидаги Оржоникидзе номли колхозда раҳбар ходимларнинг оила а'золари 1949 йил давомида жамоат ишига иштирок қилмаганлар. Чуст районидаги Каганович номли колхозда пахта йиғим-теримининг қизғин даврида 80 колхозчи, шу жумладан колхоз раиси, ҳосилот совети раиси, секретарь, бригада бошлиқларининг оила а'золари жамоат ишларида мутлақо қатнашмадилар.

Кўпинча иш'ёқмас, дангаса колхозчиларга ҳалол ишлаган колхозчиларнинг меҳнат ҳақи ҳисобидан ошиқча авансلار бериш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ва меҳнат унумини оширишга тўсқинлик қилади.

Айрим колхозларнинг раҳбарлари ҳали ҳам ўз шахсий манфаатлари учун жамоат ерларини талон-торож қилишга йўл қўйиб келмоқдалар. Ургут районидаги Молотов номли колхозда бригада бошлиғи Ёдгоров 2,57 гектар, яна бошқа бригада бошлиғи 1,19 гектар томорқа экқан. Ғаллаорол районидаги «Иттифоқ» колхозининг раиси 42,6 гектар жамоат ерининг талон-торож қилинишига йўл қўйган, шу жумладан ўзи 2,9 гектар ердан шахсий манфаати учун фойдаланган. Ҳазорасп районининг Қизилровот қишлоқ советидаги «Коммуна» колхозида правление раиси Мадаминов 2,17 гектар жамоат ерини ўзининг қариндош-уруғларига тақсимлаб берган. Фарғона область, Молотов район, Сариқўрғон қишлоқ советидаги «Қаҳрамон» колхозида 1948 йилда колхоз раиси Ҳайдаров 3,9 гектар, бухгалтер Азизов 2,13 гектар томорқа экқани аниқланган эди. 1949 йилда, бундан ташқари, колхоз раиси яна 0,20 гектар, бухгалтер 1,5 гектар жамоат ерини ўзлаштирганлар.

Айрим колхоз ва районларда колхозларнинг жамоат ерларини ижарага бериш ҳоллари содир бўлмоқда. Бундай ярамас аҳволларга дарҳол зарба бериш зарур.

Ўртачирчиқ районидаги «Сталин Конституцияси», Юсупов номли, Охунбобоев номли ва бошқа колхозларда шоликор ерларнинг ҳосилидан бир қисми колхозга бериш шарти блан, хусусий кишиларга «шерикка» берилган ва шоли ҳосилининг кўп қисми бу кишилар томонидан ўзлаштирилган. Бундай хатолар Тошкент областининг Янгийўл, Чиноз, Оржоникидзе ва бошқа районларида ҳам содир бўлганлиги аниқланди.

Жамоат мулки муқаддас ва даҳлсиздир. Жамоат мулки совет қонунлари томонидан маҳкам қўриқланмоқда. Жамоат мулкини қўриқлаш ҳарбир колхозчининг, ҳарбир совет гражданининг бурчидир. Партия ва совет ташкилотлари, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалик органлари колхозларнинг жамоат ерларини қўриқлаш юзасидан ҳамма тадбирларни кўришлари, колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлашда уларга яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Кейинги йилларда колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш соҳасида кўп ишлар қилинди. 1949 йилнинг ўзидагина 100 миллион сўмдан ортиқ дебитор қарзлари ундирилди, кўп миқдорда чорва моллари ва бошқа мол-мулклар колхозларга қайтариб берилди.

Ба'зи район ва колхозларда айрим раҳбар ходимларнинг колхоз жамоат мулкига қасд қилиб, чорва молларидан ва колхоз мол-мулкидан ўзбошимчалик блан фойдаланишлари, колхоз раҳбарлари эса, колхоз мулкини маҳкам туриб қўриқлаш ўрнига, раҳбар ходимларнинг қонунсиз буйруқларини бажаришлардек Уставни бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Масалан, Самарқанд областининг Булунғур районида, Бухоро областининг Томди районида, Қорақалпоғистон АССРнинг Куйбишев районида ва бошқа жойларда совет ташкилотлари ва айрим хўжалик ташкилотларнинг раҳбар ходимлари томонидан ўз манфаатлари учун колхозларнинг отларини ўзлаштириш ҳоллари кўп учрайди. Наманган ва Фарғона областларидаги айрим колхозларда маҳсулдор чорва молларини шартномалар асосида айрим колхозчиларга бериш «тажрибаси» қўлланилган, бу чорва молларидан олинган маҳсулотлар эса колхоз раҳбарларининг шахсий манфаати учун сарф қилиниб, колхознинг жамоат хўжалигига зарар етказилган.

Колхоз тафтиш комиссиялари колхоз правлениеларининг ишини текшириб, назорат қилиб туришлари, колхоз жамоат мулкини талон-торож қилиш фактларини ўз вақтида фош қилишлари лозим. Аммо тафтиш комиссиялари кўпинча бундай фактларга нисбатан ўз вақтида чора кўрмай келадилар.

Артель ишларини колхозчиларнинг умумий йиғилиши ҳал қилади. Барча ташкилий-хўжалик масалалари колхозчиларнинг умумий йиғилишида ҳал қилинади. Умумий йиғилиш правление раиси ва тафтиш комиссияси раисининг ҳисобот докладларини мунтазам суратда эшитиб туради. Колхоз правлениеси ва айниқса колхоз раиси колхоз ҳаёти блан боғлиқ бўлган асосий масалаларни колхозчиларнинг, я'ни умумий йиғилишнинг розилигидан ташқари ҳал қилолмайди. Колхоз раиси ташкилий ва хўжалик масалаларни ўзбошимчалик блан ҳал қилса, бу блан қишлоқ хўжалик артели Уставини қўпол равишда бузган ҳисобланади ва колхозчилар бунинг учун уни жавобгарликка тортишни талаб қилишга ҳақлидирлар.

Колхозчиларнинг ҳисобот ва ҳисобот-сайлов йиғилишларида колхоз правлениелари ва айрим колхоз раҳбарларининг иши большевикча танқид остига олиниб, қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилишни ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлашни та'мин этиши зарур.

А. Х. ЛАЛАЯН.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги колхоз ташкилот бўлимининг бошлиғи.

Мўғулистон халқ республикаси ташқи ишлар министри Лхамсуруннинг баёноти

УЛАН-БАТОР, 25 январь. (ТАСС). Мўғулистон халқ республикаси ташқи ишлар министри Лхамсурун Америка Қўшма Штатлари давлат секретари Ачесоннинг 12 январьда Вашингтондаги Миллий матбуот клубида Америка Қўшма Штатларининг Осиёдаги сиёсати тўғрисида сўзлаган нутқи ҳақида матбуот вакилларига баёнот топширди.

Мўғулистон халқ республикаси ташқи ишлар министрининг баёнотида бундай дейилади: Ачесоннинг нутқи бизнинг самимий, холис дўстимиз бўлган Совет Иттифоқига қарши, Мўғулистон халқ республикасига қарши ва бизнинг дўстимиз Хитой халқ республикасига қарши қабиҳ туҳматдан иборат. Бу нутқ бутун мўғул халқини қаттиқ ғазаблантирди. Ачесон жаноблари жон талвасасига тушиб советларга қарши қилган туҳматида Совет Иттифоқи амалга ошираётган адолатли ташқи сиёсатнинг обрўсини тушириш учунгина қолмай, балки тарихий фактларни бузиб кўрсатишга ҳам урунмоқда. Бу фактлар лоақал Ачесон эгаллаган расмий лавозимга кўра унга ма'лум бўлиши керак эди. Ачесон жанобларининг ана шу хуружи муносабати блан, унинг томонидан виждонсизларча бузиб тасвирланган бу фактларни эслатиб ўтишим керак.

Ачесон жаноблари «Совет Иттифоқи Хитойнинг шимолий районларини Хитойдан ажратиб, уларни Совет Иттифоқига қўшиб олмоқда, бу иш Ташқи Мўғулистонда тугалланди» дейди. Ачесон жанобларининг бу баёноти бошдан оёқ қабиҳ алдамчиликдан иборат. Ма'лумки, Совет Иттифоқи 1919 йилнинг август ойидаёқ мўғул халқининг мустақил ва эркин яшаш ҳуқуқини таниганлигини бутун дун'ёга э'лон қилган биринчи давлат эди. Совет ҳукумати ўша вақтдаёқ мўғул халқига қилган мурожаатида: «Мўғулистон озод мамлакатдир. Мамлакатдаги бутун ҳокимият озод халқ қўлида бўлиши керак. Ажнабийларнинг бирортаси ҳам Мўғулистоннинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқига эга эмас» деган эди. Совет Иттифоқи суверен давлат бўлган Мўғулистон халқ республикасига нисбатан ўз муносабатларида худди ана шу принципларга доим амал қилиб келганлигини ва амал қилиб келаётганлигини, шунингдек катта ва кичик бошқа ҳамма халқларга нисбатан ҳам шундай принципларга амал қилиб келаётганлигини мўғул халқи яхши билади.

Бошқа халқлар блан тенг ҳуқуқ асосида муносабатда бўлишнинг ана шу принциплари бошқаларнинг территорияларини босиб олиш ва халқларни қулликка солиш сиёсатини амалга ошираётган жаноб ачесонларни қаттиқ ғазаблантираётганлиги бизни ажаблантирмайди.

Яна шу нарса ҳам ма'лумки, мўғул халқи эркин, мустақил яшаш ҳуқуқини ички ва ташқи золимларга қарши олиб борилган оғир курашда, 1921 йилдаги халқ революцияси натижасида қўлга киритди. Бу революция мўғул халқини асрлар бўйи давом этган асоратдан қутқазди.

Ана шу оғир йилларда ҳам Совет Иттифоқи, улуғ совет халқи жафокаш мўғул халқига биринчи бўлиб кардошларча ёрдам қўлини чўзди. Яна шу нарса ҳам ма'лумки, Совет Иттифоқи республикамиз ташкил этилгандан буён ўтган йиллар ичида унга самимият блан кун сайин катта ёрдам бериб келмоқда. Мўғул халқи ана шу ёрдам орқасидагина ўзининг давлат мустақиллигини ҳимоя қилиб мустаҳкамлай олди ва ўзининг иқтисодий, сиёсий маданий тараққиётида шундай катта муваффақиятларга эришаолдики, бу муваффақиятлар ҳозирги вақтда тинчлик ва демократиянинг барча самимий тарафдорларини қувонтирмоқда. Бу муваффақиятлар бутун дун'ёга аёндир. Бу муваффақиятлардан Ачесон ҳам яхши хабардордир. Ачесон бунга туҳмат қилмоқчи бўлар экан бу ҳол унинг нутқидаги асл мақсадни фош қилиб ташлайди, холос. Америка Қўшма Штатлари Ялта конференциясида 1945 йил 11 февральда тузилган битимда Мўғулистон халқ республикасини мустақил давлат сифатида расмий таниган эди. Бу факт ҳам Ачесонга аёндир. Ачесонга яна шу нарса ҳам ма'лумки, Хитойнинг илгариги ҳукумати 1945 йил 20 октябрьда халқ овозига қўйиш натижасида 1946 йил 5 январьда Мўғулистон халқ республикасининг мустақиллигини расман таниди ва 1946 йил 13 февральда Мўғулистон халқ республикаси блан Хитойнинг илгариги ҳукумати ўртасида дипломатик муносабатлари ўрнатилди. Хитой халқ республикаси ташкил этилган биринчи кунларданоқ у блан Мўғулистон халқ республикаси ўртасида самимий дўстона муносабат давом этиб келаётганлиги, улар ўртасида му'тадил дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги ҳам ма'лум. Мўғулистон халқ республикаси Корея халқ-демократик республикаси блан, Албания халқ республикаси блан дипломатия муносабатлари боғлаганлиги ва бошқа кўпгина мамлакатлар блан самимий дўстона муносабатда эканлиги ҳам ма'лум.

Ҳурриятпарвар халқлар томонидан фашист агрессиясига ва япон империализмига қарши олиб борилган умумий курашда Мўғулистон халқ республикасининг иштирокини кўрсатадиган фактларни эсга солиб ўтишнинг ҳожати йўқ. Бу фактлар ҳам ўзларининг империалистик мақсадларини амалга ошириш ниятида ҳурриятпарвар халқларнинг қонуний ҳуқуқларини поймол этишга интилаётган Америка Қўшма Штатлари давлат департаментидаги жанобларга аёндир.

Ачесон бу фактлар тўғрисида индамаётир. Ачесон СССРга қарши, Хитой халқ республикасига ва мамлакатимизга қарши разил уйдирмаларни тўқимоқда. Аммо ҳақиқат ҳар қандай алдамчилик ва туҳматдан кучлидир. Бутун демократик лагерьга бошчилик қилаётган Совет Иттифоқи, бутун дун'ёдаги ҳурриятпарвар халқлар ва шу жумладан Хитой ҳамда Мўғулистон халқ республикасининг халқлари тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстлик ва осойишталикни зийраклик блан қўриқламоқдалар. Бу эса бутун дун'ёдаги оддий кишиларга очиқ-равшан ма'лумдир.

Тинчлик ва Совет Иттифоқи блан дўстлик учун!

АМЕРИКА — СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 январь. (ТАСС). Америка—Совет дўстлиги миллий кенгаши матбуотда э'лон қилиш учун баёнот топширди. Бу баёнотда қуйидагилар айтилади: Америка Қўшма Штатлари президенти Трумэннинг яқинда конгрессга юборган мактуби «Қўшма Штатлар ҳукумати «совуқ муносабатлар уруши» сиёсатини давом эттиришга урунажагини ва бундай «совуқ муносабатлар уруши»ни асло сусайтирмаслигини конгрессга ва бутун мамлакатга, шунингдек бутун дун'ёга ма'лум қилди. Ҳарбий харажатларнинг бутун оғирлиги америка халқи зиммасига юкланиб халқ бундан қаттиқ азоб чекаётганига қарамай, Трумэн бутун бюджетнинг 42,4 миллиард долларга етадиган 70 процентдан ортиғи ўтмишдаги урушлар ва келажакдаги урушлар блан боғлиқ бўлган эҳтиёжларга сарф қилинади деб э'тироф этади. Трумэн ҳатто «совуқ муносабатлар уруши» сиёсати ўрнига қандай сиёсатни қўлланиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама этмайди ва «совуқ муносабатлар уруши»га хотима бериш учун Қўшма Штатлар ҳукумати қандай чоралар кўриши кераклигини ҳам муҳокама қилмайди».

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Трумэн Америка Қўшма Штатларининг 800 миллионли халқ блан тинч муносабатда бўлишига қарши чиқмоқда. Ана шу 800 миллионли халқ ҳозирги кунда ўз ҳукуматларига эга бўлиб, социализм қурдилар ёки қурмоқдалар. «Бутун дун'ёга ҳоким бўлиш мақсадида Америкага бундан кейин ҳам фитналар йўлидан бориш таклиф этилмоқда».

Баёнотда айтилади: Ҳозирги пайтда барча катта ва кичик мамлакатлардаги давлат арбоблари олдида турган асосий масала ҳозирги замонда социалистик система блан капиталистик системанинг ёнма-ён яшаб, тинч шароитда рақобат қила олишларини та'минлайдиган вазиятни вужудга келтириш масаласидан иборат эканлигини ҳамма э'тироф қилмоқда... Трумэн халқаро аҳволнинг тартибга солинмаганлиги натижасида юз берган қўрқув ташқи сиёсат соҳасида қаттиқ чоралар кўришимизга сабаб бўлаётганлигини э'тироф этади. Аммо у ҳозирча тартибга солинмаган бу аҳвол муттасил давом этади, бу тўғрида ачиниш мумкин, аммо бу аҳволни бартараф қилиб бўлмайди деб ўйлайди.

Бунинг устига, Трумэн таклиф этаётган чоралар тартибга солинмаган бу аҳволни яхшилаш ўрнига уни янада оғирлаштиришга мўлжалланган. Трумэн бўлинган дун'ёни бирлаштириш учун шароит вужудга келтириш зарур деган масалани ҳечқаерда муҳокама қилгани йўқ.

Сўнгра баёнотда бундай дейилади: Трумэн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гўё тинчликни сақлаб қолаолмайди деб баҳона қилади. Шунинг учун Трумэн Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидан четга чиқмоқда ва Шимолий Атлантик иттифоқини қувватламоқда. Шимолий Атлантик иттифоқи «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ва принципларига хилофдир. Шимолий Атлантик иттифоқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан ташқарида тузилди, чунки бу иттифоқ ана шу ташкилотга асос қўйган давлатлардан бирига қарши қаратилган. Шу сабабдан бу иттифоқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида тузилиши мумкин эмас эди. Шу сабабли Шимолий Атлантик аҳдининг тузилишини оқлаш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кучли эканлиги ёки заифлиги тўғрисида айтилаётган гапларнинг бу масалага сра дахли йўқ».

Шимолий Атлантик иттифоқи, — дейилади баёнотда, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига путур етказади, чунки бу иттифоқ давлатлардан бир гуруҳининг бошқа гуруҳга очиқдан-очиқ душман бўлган ташкилотидан бошқа бир нарса эмас.

Баёнотда яна бундай дейилади: Трумэннинг Қўшма Штатларни ва Ғарбий Европа мамлакатларини қуроллантириш программаси «Қўшма Штатларнинг ва бутун дун'ёнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид қилмоқда, бу программа соҳта гапларга таянган бўлиб Совет Иттифоқининг агрессия қилиш эҳтимоли бор деган асоссиз гапларига суянади. Ўз ички тараққиёти давомида ўзи учун янги ҳаёт йўлини танлаб олаётган халқларга қарши уруш қилмоқ учун америка қуроллари ва аскарларини юборишга бизларни мажбур этмоқдалар...

Америка Қўшма Штатларининг таклиф этилаётган ҳарбий бюджети ҳарбий материаллар запасларини кўпроқ тўплаш, ҳарбий ишлабчиқаришни кенгайтириш ва бомбалар ишлаб чиқариш соҳасида тажриба ишларини янада кучайтириш учун кўп маблағ ажратишни кўзда тутади».

Баёнотда бундай дейилади: Совет Иттифоқи халқаро битим асосида атом қуролини тақиқлашни таклиф этмоқда. Атом қуролига таянаётган америка стратегларининг фикри блан Қўшма Штатларнинг ана шу асосда атом қуролини тақиқлашдан бош тортишлари ўртасида мустаҳкам алоқа бор.

Америка—Совет дўстлиги миллий кенгаши Европа халқлари Американинг атом стратегияси ўз мамлакатлари учун қандай хавф туғдираётганлигини тушунишлари бланоқ Шимолий Атлантик иттифоқини рад этдилар, Америка иқтисодий таз'йиқ кўрсатиш блан таҳдид қилганида ҳам Европа халқлари Шимолий Атлантик иттифоқини рад этадилар деган фикрни билдиради.

Америка ҳарбий стратегиясининг тамомила барбод бўлганлиги, — дейилади баёнотда,—Қўшма Штатларнинг тамомила ажралиб якка қолиш хавфини туғдиради. «Монополиячилар ва уларнинг халқаро картельлари қайтадан қуроллантириш йўли блан жуда кўп фойда олаётган бир пайтда Қўшма Штатларнинг экономикаси турғунлик хавфи остида қолмоқда, чунки бизнинг оғир саноатимиз Совет Иттифоқидаги ва халқ демократияси мамлакатларидаги энг фойдали бозорлардан маҳрум бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқида ва халқ демократияси мамлакатларида хўжаликни қайтадан қуриш ишлари мисли кўрилмаган сур'атлар блан тез олиб борилмоқда.

Бу гап Хитойдаги янги бозорларга ҳам тааллуқлидир, албатта...

Қўшма Штатларда тинчлик учун кураш кучайиб бормоқда. Ҳатто Трумэннинг мактуби ҳақиқатдан четга чиқиб, номуайян руҳда ёзилган бўлса ҳам, халқимизнинг кенг табақалари ўртасида ўсиб бораётган ана шу тинчлик ҳаракатини акс эттиради. Бу ҳаракат Совет Иттифоқи блан, Шарқий Европадаги демократик мамлакатлар блан, Хитой блан ва Осиёдаги барча халқлар блан дўстлик ўрнатиш ва тинчлик барпо қилишни қат'ий талаб этиш ҳаракатига айланиши лозим.

Конгресс а'золаримиз ва сенаторларимиз олдига ҳам тинчлик тўғрисида қат'ий талаб қўйишимиз керак.

Биз, биринчидан, ер юзи аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этган 800 миллионли аҳоли блан савдо-сотиқ қилишни талаб этмоғимиз керак. Биз, Трумэн ҳукумати ўзаро бир қарорга келиш ва ҳамкорликни тиклаш мақсадида барча жанжалли масалаларни ҳал этиш учун конференция чақириш тўғрисидаги совет таклифларини қабул қилсин, деб талаб этмоғимиз керак. Биз, Хитой дарҳол танилсин, деб талаб этмоғимиз керак.

Америка халқининг тинчлик масалаларини ҳал этишда қатнашувига имкон берадиган амалий тадбирлар шулардан иборат. Бу тадбирлар ўзимиз учун ҳам, бутун дун'ё учун ҳам хавф-хатарсиз, шараф блан амалга оширилиши мумкин».

Консерваторлар партиясининг сайловолди программаси—реакция ва уруш программасидир

ЛОНДОН, 26 январь. (ТАСС). Консерваторлар партияси 24 январьда «Тўғри йўл шудир» деган сайлов олди манифестини э'лон қилиш учун топширди. Манифест матбуот конференциясида ўқиб берилди. Матбуот конференциясида консерваторлар партиясининг раиси лорд Вултон ва парламент а'зоси консерватор Батлер консерваторларнинг сайлов кампаниясида тарғиб қиладиган программаси нимадан иборат эканлигини тушунтириб бердилар.

Манифест 22 саҳифалик китобчадан иборат. Аммо халқ орасига тарқатиш учун манифестнинг қисқача лойиҳаси тайёрланди. Бу лойиҳада программанинг асосий низомларигина баён қилинади. Матбуот конференциясида ҳозир бўлган мухбирлар ана шу икки ҳужжат ўртасида бирмунча фарқ борлигини та'кидладилар. Манифестнинг қисқартилган лойиҳаси, консерваторлар партияси ҳақиқатан ҳам аҳолининг ҳамма синфлари тўғрисида ғамхўрлик қилади, деб сайловчиларни ишонтирмоқчи бўлади. Бу лойиҳада советларга қарши гаплар айтилмаган, ҳолбуки бундай гаплар асосий ҳужжатда бор; бу лойиҳада одамларни «иш блан тўла та'минлаймиз», «ижтимоий та'минот чораларини амалга оширамиз» ва «касаба союз ҳаракатини қувватлаймиз» деб катта-катта ва'далар берилади.

Консерваторлар партиясининг программаси ғвогарлик мақсадида ва'далар беришда лейбористлар партиясининг программаси блан рақобат қилади. Консерваторлар партияси ҳам, лейбористлар партияси ҳам бу ва'даларни бажариш ниятида эмаслар, албатта. Асосий масалалар юзасидан бу икки ҳужжат ўртасида фарқ жуда кам.

Ҳар икки партия ташқи сиёсат масалаларида Қўшма Штатларнинг йўл-йўриқларини бундан кейин ҳам бажариб, Совет Иттифоқига ва халқ демократияси мамлакатларига нисбатан душманлик сиёсатини амалга оширажакларига ҳечқандай шубҳа қолдирмайди.

Бундаги фарқ фақат шундан иборатки, консерваторлар партияси Американинг «ёрдами»ни лейбористлар партиясидан кўра ошкора мақтамоқда.

Программа консерваторлар партиясининг мустамлакалар масаласидаги сиёсатини баён қилиб, Англия ва Американинг мустамлакаларга кўпроқ капитал чиқаришини қувватлашга чақиради.

«Дейли уоркер» газетаси ёзади: Консерваторлар программаси уруш очиш йўлидир. Бу программа чет элларда социализмга ва демократияга қарши ва мамлакат ичкарисида инглиз халқига қарши кураш йўлидир. Программада тинчлик тўғрисида гапирилади-ю, аммо уруш кўзда тутилади. «Консерваторлар ташқи сиёсатининг асосий моддаси «коммунизмга қаршилик кўрсатиш» мақсадида Америка блан агрессив ҳарбий иттифоқ тузишдан иборат. Ана шундай аҳмақона ниятлар ҳечқачон амалга ошмайди. Консерваторлар тарих ғилдирагини орқага буриб юбораолмайдилар, аммо улар оддий кишиларнинг қонларини тўка оладилар ва уларни азоб-уқубатга дучор қилаоладилар».

Газета қуйидагиларни ёзади: Консерваторлар партиясининг программаси — «йирик капитал хартиясининг мағрурлиги руҳи блан суғорилган». Ҳархил та'бирлар пухта танлаб олинганига қарамай, — деб ёзади газета,—бу программа халқнинг турмушини янада ёмонлаштиришга қаратилгандир.

Программада солиқларни камайтириш тўғрисида ва'да берилади. Газета бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: «Равшанки, бунда даромад солиғини камайтириш ҳисобидан бойларга солинадиган солиқларни камайтириш, сотиб олинадиган нарсаларга солинадиган солиқни юзаки камайтириш кўзда тутилади, айрим ҳолларда ижтимоий тадбирларга чиқариладиган пулларни кескин суратда камайтириб кўпроқ маблағ тўплаш кўзда тутилади. Ва'дабозлик руҳида ёзилган бу ҳужжатда христиан аҳлоқига ишониш тўғрисида дабдабали гаплар айтилган. Бундай гаплар бойлар синфининг ана шу программасининг чин моҳиятини яшираолмайди. Бу ҳужжат фойдани халқ манфаатларидан устун қўяди, урушни тинчликдан афзал кўради».

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Г. М. ДИМИТРОВ МАҚБАРАСИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

СОФИЯ, 26 январь. (ТАСС). Ўртоқ К. Е. Ворошилов бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси бугун эрталаб СССРнинг Булғориядаги элчиси М. Ф. Бодров блан биргаликда Г. М. Димитров мақбарасини зиёрат қилди.

Делегация Г. М. Димитров тобути ўрнатилган супага гулдаста қўйди. Халқ демократияси мамлакатлари: Польша, Румыния, Чехословакия, Венгрия, Албания делегациялари, Германия демократик республикаси делегацияси, Франция коммунистлар партияси делегацияси ва «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун!» газетаси редакциясининг вакиллари ҳам мақбарани зиёрат қилиб, гулдасталар қўйдилар.

Василь Коларовни дафн қилишда қатнашиш учун келган делегациялар шарафига Вилко Червенков ҳузурида қабул маросими

СОФИЯ, 26 январь. (ТАСС). Булғория Халқ республикаси Министрлар совети раисининг ўринбосари Вилко Червенков Булғория Халқ республикаси Министрлар совети раиси Василь Коларовни дафн қилишда қатнашиш учун келган Совет Иттифоқи делегацияси, халқ демократияси мамлакатлари делегациялари ва капиталистик мамлакатлардаги коммунистлар партиялари ҳамда ишчилар партияларининг делегациялари шарафига қабул маросими ўтказди.

РУМОНИЯНИНГ ЮГОСЛАВИЯ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

БУХАРЕСТ, 26 январь. (ТАСС). Аджерпресс агентлиги билдиради: Румония халқ республикаси ҳукумати англияли-америкали уруш оловини ёқувчиларнинг хизматида бўлган Белград ҳукуматининг фашистлик сиёсатини кўп марта фош қилди. Румония халқ республикаси ҳукумати норозилик билдириб топширган бирқанча ноталарида чегарадаги кўп жанжаллар учун, ерда ва ҳавода Румония халқ республикасининг чегаралари бузиб ўтилганлиги учун, Тито ва Ранкович агентларининг Румония халқ республикасининг чегара соқчиларига ва чегара районидаги аҳолига қарши қуролли хужум қилганликлари учун Югославия ҳукумати айбдор ва жавобгар эканлигини кўрсатган эди.

Югославия ҳукумати жавобгарликдан бўйинтовлаб, Румония ҳукуматининг шу масала ҳақидаги сўнгги нотасини жавобсиз қолдирди. Румония халқ республикасининг Белграддаги элчихонаси 1949 йил 8 декабрьда мазкур нотани Югославия ҳукуматига топширган эди. Тито-Ранкович галаси Югославия халқлари олдида ва бутун дун'ёдаги сулҳпарвар халқлар олдида фош қилинганидан кейин Белград ҳукумати англияли-америкали уруш оловини ёқувчиларнинг агенти сифатидаги чин қиёфасини яширишга урунмоқда. Югославия ташқи ишлар министрлиги 1949 йил 18 декабрьда Румония халқ республикасининг Белграддаги элчихонасига нота топширди. Югославия ҳукумати бу нотасида «чегара жанжалларини текшириш ва аниқлаш» учун аралаш комиссиялар тузишни ва мазкур комиссияларнинг ишлари тўғрисида ҳар икки ҳукумат ўртасида «битим» тузишни таклиф этди. Румония халқ республикасининг Белграддаги ишлар вакилига ана шу нотага жавобан қуйидагилар ма'лум қилиш топширилди:

Румония ҳукумати шуни та'кидлайдики, Югославия ҳукумати ана шундай таклифларни илгари суриши блан иғвогарлик мақсадида чегарада чиқарган жанжалларни ва Румония халқ республикасининг чегаралари ҳавода бузиб ўтилганлиги ва Румония халқ республикаси территориясига жосуслар ҳамда қўпорувчилар юборганлиги учун жавобгар эканлигини ниқоблашга урунмоқда. Румония халқ республикасига қарши қаратилган бундай жиноий хуружлар алоҳида ёки тасодифий бир ҳол бўлмай, балки Югославия ҳукумати томонидан Румония халқ республикасига қарши душманлик мақсадила амалга оширилаётган иғвогарлик сиёсати ва жосуслик ишларининг ифодаси эканлигини Румония ҳукумати кўп марта кўрсатиб келди. Югославия ҳукумати тинчлик ва демократиянинг ашаддий душманлари бўлган инглиз-америка империализми доираларига хизмат қилмоқда. Югославия ҳукуматининг сиёсати мазкур нотада айтилган таклифларнинг амалга оширилишига сра имкон бермаслиги аёндир. Бу таклифлар мунофиқона найранг ишлатишдан бошқа бир нарса эмас. Бу таклифлар Югославия ҳукуматининг тинчликдан манфаатдор бўлган Югославия халқларига нисбатан хиёнат қилиш сиёсатини оқлай олмайди. Шу сабабдан Румония ҳукумати Югославия ҳукуматининг мазкур нотасини рад этади.

ВЕНГРИЯДА ДЕҲҚОНЧИЛИК - ИШЛАБЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛАРИ ВА МТС ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

БУДАПЕШТ, 26 январь. (ТАСС). Бу ерда мамлакатдаги энг яхши деҳқончилик-ишлабчиқариш кооперативлари ва машина-трактор станциялари вакилларининг икки кун давом этган биринчи кенгаши тамом бўлди. Кеча кенгашда Венгрия меҳнаткашлар партиясининг бош секретари Матиас Ракоши нутқ сўзлади.

«Бу кенгаш,—деди Ракоши, — шуни кўрсатадики, бизнинг нажоткоримиз Улуғ Совет Иттифоқининг деҳқонлари биздан илгари қадам қўйган йўл тўғри йўл бўлганидек, партиямиз томонидан ишлабчиқариш кооперативларимизнинг а'золарига кўрсатиб берилган йўл ҳам тўғри эканлигига улар ишондилар.

Бизлар шу кенгашнинг барча қатнашчилари, саноат ишчилари кетидан меҳнаткаш деҳқонлар ҳам социализм қуриш йўлига ўтаётганликларини кўриб турипмиз. Бунинг натижасида қишлоқларда ҳам янги куч манба'лари рўёбга чиқмоқда. Бу кучлар хусусан кейинги ярим йил ичида саноатда социализм қурилишини тезлатиб юбордилар».

Ракоши сўзини давом эттириб бундай деди: «Деҳқончилик-ишлабчиқариш кооперативларининг а'золари ўзларининг шахсий манфаатларини кузатиш блангина қолмаётирлар. Улар кооперативларнинг бойлигини кўпайтириш халқнинг фаровон яшаши учун бирдан-бир тўғри йўл эканлигини тобора равшан тушунмоқдалар.

Венгриянинг барча меҳнаткаш деҳқонлари ишлабчиқаришнинг бу методи тўғри эканлигига тез орада ишонч ҳосил қиладилар ва бу йўлга биринчи бўлиб қадам қўйган 40—50 минг деҳқон хўжаликларидан ибрат оладилар. Бунга шак-шубҳа йўқ».

Халқ қўшинлари Хитой Халқ-озодлик армияси қисмларига айлантирилганлиги муносабати блан Синьцзянда тантана

ПЕКИН, 26 январь. (ТАСС). Синьцзян вилоятининг учта ғарби-шимолий округида бўлган халқ қўшинлари Хитой халқ республикасининг Халқ-озодлик армияси сафига қўшилдилар. Бу округлардаги халқ қўшинлари гоминданчиларнинг 100.000 танланган аскарларини беш йил мобайнида банд қилиб турган эдилар. Ҳозир Ғарбий Синьцзяндаги халқ қўшинлари Халқ-озодлик армиясининг бешинчи корпусига айлантирилди.

Яқинда Ғулжада (Синьцзян) шу муносабат блан Ғулжа гарнизони жангчилари, командирлари ва сиёсий ходимларнинг маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари блан бирга тантанали йиғилиши бўлди.

Йиғилишда бешинчи корпуснинг командири доклад қилди. У уч округ территориясини гоминданчилардан тозалаган ва бу округларда демократик тартиб ўрнатган халқ қўшинлари босиб ўтган жанговар йўлни тасвирлаб берди. «Агар улуғ қўшнимиз Совет Иттифоқи бизга ма'навий ёрдам бериб турмаганида, биз бу вазифаларни бажараолмаган бўлур эдик», деди у.

ХИТОЙНИНГ ҒАРБИ-ШИМОЛИЙ ВИЛОЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ

ПЕКИН, 26 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Сиандан хабар беради: бу ерда Ғарби-Шимолий Хитой Ҳарбий-Ма'мурий комитетининг мажлиси бўлди. Мажлисда сўзга чиққан комитет раиси Пин Дэ-хуэй, Ғарби-Шимолий Хитойдаги беш вилоят тамомила озод қилинди, эндиликда асосий вазифа бу вилоятларда демократикислоҳотларни амалга оширишдан ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат, деди. Пин Дэ-хуэй ғарби-шимолий вилоятларда маҳаллий босмачи тўдаларини ва гоминданчиларнинг махфий агентларини тамомила тугатиш зарурлигини айтди ва ғарби-шимолий вилоятлардаги Халқ-озодлик армиясини ишлабчиқариш ишларида қатнаштириш, ер ислоҳоти ўтказиш, корхоналарни тиклаш ва кенгайтириш, майда миллатлар яшаб турган районларда маҳаллий автономияни амалга ошириш зарур деб уқдириб ўтди. Пин Дэ-хуэй, ғарби-шимолий вилоятлардаги иқтисодий қурилишнинг асосий вазифаси деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришдан, шу блан бирга саноатнинг муҳим тормоқларини ривожлантириш ва йўл қурилишини кенгайтиришдан иборат, деди.

«Биз,—деди Пин Дэ-хуэй, — Марказий халқ ҳукумати томонидан олдимизга қўйилган вазифани бажаришимиз, я'ни 1950 йилда ғалла ва пахта етиштиришни кўпайтиришимиз керак».

Бу йил Сиаңнинг ғарбида Тяньшуй блан Баоцзи ўртасидаги темир йўл тикланиши, Тяньшуй блан Ланьчжоу ўртасида темир йўл алоқаси ўрнатилиши лозим.

Демократик руҳдаги ҳамма кишиларни жипслаштириш мақсадида аҳоли ўртасидаги ҳамма табақалар вакилларининг иштироки блан вилоят, шаҳар ва уездларда халқ конференциялари ўтказилиши керак.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари:
Б. РАҲМОНОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «НАВОИЙ», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Ут.**

«ИСКРА» — ҳамма залда янги рангдор бадиий фильм **Берлиннинг таслим бўлиши** (1-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада катта цирк тамошалари. Арбитр П. П. Бредихин раҳбарлигида классик курашлар. Ҳар куни 3 жуфт курашади. Тамоша кеч соат 9 да, кураш — кеч соат 10—45 минутда бошланади.

Якшанба куни, 29 январьда уч марта тамоша кўрсатилади. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 9 да бошланади.

1950 йил 30 январьда Сталино шаҳрида

3%ли давлат ички ютуқ заёмининг 13-нчи ютуқлар ўйини бўлади.

Бу заёмнинг навбатдаги ютуқ ўйинлари:
30 мартда—Қуйбишев шаҳрида.
30 майда—Ростов-Дон шаҳрида,
30 июльда—Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНАДА ЁЗУВ РЕСПУБЛИКА КУРСИ
ўзбек ва рус группаларига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курснинг адреси: Тошкент шаҳар, Воскресенский переулок блан Красноармейская кўчаси бурчагида. Эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача мурожаат қилинсин.

СССР Министрлар Советининг 1949 йил 11 декабрьдаги 19711-р сон фармойиши ва СССР Электр саноати министрининг 1949 йил 15 декабрьдаги К-432 сон буйруғига биноан, «Электрокабель» заводининг
ИШЧИЛАР ТА'МИНОТИ БЎЛИМИ ТУГАТИЛАДИ.
Да'волари бўлган ташкилотлар ва кишилар икки ҳафта ичида тугатиш комиссиясига мурожаат қилишлари лозим. Адрес: Тошкент шаҳар, Чирчиқ-Горний станцияси.

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
Республика кинотеатрларида кўрсатиш учун

деган янги бадиий фильм чиқаради.

Сценарий авторлари — В. Штаудте, Э. Клайн, режиссёр—Вольфанг Штаудте, оператор — Бруно Монди.

Бош рольларда:
Ганс Бенке—Пауль Эссер
Лотте, унинг хотини — Ирена Корб
Курт Бланк — Райнгольд Берит
Гельмут, Ганснинг ўғли — Карл Дайкерт
Инга — Бригитта Краузе
Удо Шульц — Вернер Петерс.

Бу фильмни «ДЕФА» киностудияси ишлаган, «Главкинопрокат» 1950 йилда чиқарган

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1280 Р. 00936.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'ат ходимларини орден ва медальлар блан мукофотлаш тўғрисида*)

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил этилганига йигирмабеш йил тўлиши муносабати блан ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият ва сан'атни ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлари учун мукофотлансин:

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БЛАН

45. **Азимов** Ўрин — Совхозлар министрининг ўринбосари.

46. **Айтметов** Шамет — Каттақўрғон сув омбори қурилишининг бошлиғи.

47. **Акбаров** Аҳмад — Когондаги суперфосфат заводининг ишчиси.

48. **Акбаров** Ғаффор — Фарғона тўқимачилик комбинати мастерининг ёрдамчиси.

49. **Акимов** Қурбон — Ўзбекистон К(б)П Қашқадар'ё область, Қамаши район комитетининг биринчи секретари.

50. **Акрамова** Ибодатхон — Фарғона область, Марғилон пиллакашлик комбинатининг моталчиси.

51. **Акрамов** Ўрмон — Андижон область меҳнаткашлар депутатлари Балиқчи район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи.

52. **Акрамов** Жамил — Ўзбекистон К(б)П Сурхондар'ё область, Денов район комитетининг биринчи секретари.

53. **Оллабердиев** Абдуназар — Сурхондар'ё область меҳнаткашлар депутатлари Шеробод район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бошлиғи.

54. **Оллаёров** Абдуазиз — Самарқанд область, Пахтакор районидаги Каганович номли колхозининг раиси.

55. **Александровский** Абрам Теодорович — Ўзбекистон К(б)П Тошкент шаҳар комитетининг секретари.

56. **Алексеев** Евгений Тимофеевич — СССР Енгил саноат министрининг ўринбосари.

57. **Алимов** Умарали — Ўзбекистон К(б)П Фарғона область, Каганович район комитетининг секретари.

58. **Алимов** Бозор — Самарқанд область, Қорадар'ё районидаги «Комсомол» колхозининг бригада бошлиғи.

59. **Алимбеков** Усмонбек — Тошкент область, Қорасув районидаги «XVIII партс'езд» колхозининг раиси.

60. **Алимов** Абдураҳмон — Наманган районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

61. **Алимуҳамедов** Маман — Тошкент область, Сирдар'ё районидаги «Қизил гулистон» колхозининг раиси.

62. **Алимов** Каримжон — Андижон область, Избоскан районидаги Пойтуғ пахта тайёрлаш пунктининг молшуноси.

63. **Олимжонов** Раҳим — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника ва зоология институти лабораториясининг раҳбари.

64. **Алиев** Зуфар — Тошкент шаҳар трамвай депосининг бошлиғи.

65. **Алихўжаев** Сафо — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министрлиги Қашқадар'ё область бошқармасининг бошлиғи.

66. **Алтунин** Андрей Никонорович — Ўзбекистон К(б)П Андижон область, Балиқчи район комитетининг секретари.

67. **Олчинбоева** Ойшакар — Ўзбекистон К(б)П Самарқанд район комитетининг биринчи секретари.

68. **Амонов** Абдулла — Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Энгельс номли колхозининг раиси.

69. **Амонова** Бўри Фозиловна — меҳнаткашлар депутатлари Бухоро область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

70. **Амонов** Холмурод — Сурхондар'ё область, Жарқўрғон районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

71. **Амонов** Ғаффор — Тошкент область, Бўка районидаги Вильямс номли колхозининг дала мудири.

72. **Анашкин** Геннадий Викторович — Наманган область заготхлопкотрестининг бошқарувчиси.

73. **Андреев** Петр Ефимович — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министрлиги Андижон область бошқармасининг бошлиғи.

74. **Андрюшин** Константин Васильевич — Тошкент область, Янгийўл пахта тозалаш заводининг бош инженери.

75. **Анохов** Алексей Димитриевич — «Ворошиловнефть» трестининг бошлиғи.

76. **Антонов** Александр Макарович — Ўзбекистон К(б)П Бухоро область комитетининг бўлим мудири.

77. **Анучин** Федор Васильевич — пенсия олучи.

78. **Орипов** Холмат Орипович — Тошкент область, Мирзачўл районидаги Фрунзе номли колхозининг раиси.

79. **Арслонов** Туроб — Тошкент область, Пискент районидаги «Қизил юлдуз» колхозининг а'зоси.

80. **Артомонова** Надежда Александровна — Фарғона пиллакашлик фабрикасининг директори.

81. **Ортиқов** Раҳматулла — Наманган область, Янгиқўрғон районидаги «Социализм» колхозининг раиси.

82. **Ортиқов** Раббим — Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондар'ё область Совети ижроия комитетининг раиси.

83. **Ортиқов** Асад — Бухоро область, Рометон районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

84. **Асадов** Бозор — Бухоро область, Рометон районидаги Боғитуркан қишлоқ советининг раиси.

85. **Асқаров** Хожи Асқарович — Меҳнаткашлар депутатлари Қашқадар'ё область Совети ижроия комитети соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

86. **Остонова** Назокат — Бухоро область, Шербудун қишлоқ советининг раиси.

87. **Остонов** Мамад — Бухоро область меҳнаткашлар депутатлари Олот район Совети ижроия комитетининг раиси.

88. **Астров** Михаил Сергеевич — Тошкент медицина институтининг профессори.

89. **Отабоев** Акбар — Андижон область, Марҳамат районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

90. **Отабоев** Бобожон — Хоразм область меҳнаткашлар депутатлари Хазорасп район Совети ижроия комитети сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи.

91. **Отақўзиев** Уйғун — ёзучи.

92. **Отахонов** Муҳаммад — Сурхондар'ё область, Денов районидаги «Қизил Фарғона» колхозининг звено бошлиғи.

93. **Аҳадова** Ханифа — Бухоро область, Ғиждувон районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи.

94. **Аҳмедова** Гулбиби — Тошкент область, Бекобод районидаги Будённий номли колхозининг звено бошлиғи.

95. **Аҳмадиев** Нурғали Аҳмадиевич — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министрлиги Янгийўл шаҳар бўлимининг бошлиғи.

96. **Аҳмедов** Али Аҳмедович — Тошкент область Меҳнаткашлар депутатлари Сирдар'ё район Совети ижроия комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг бош агрономи.

97. **Аҳмедов** Исо — Тошкент область, Оққўрғон районидаги Калинин номли колхозининг раиси.

98. **Ахмаров** Чингиз — рассом.

99. **Аҳмедов** Мамад — Ўзбекистон К(б)П Қашқадар'ё область, Кўкабулоқ район комитетининг биринчи секретари.

100. **Аҳмедов** Шакар — Самарқанд область, Метон районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

101. **Аҳмедов** Муҳаммадрасул — Қашқадар'ё область, Кўкабулоқ районидаги Сталин номли колхозининг раиси.

102. **Аҳмаджонов** Исмоил — Андижон область, Холдевонбек районидаги Ленин номли колхозининг а'зоси.

103. **Аҳмаджонов** Раҳимжон — Андижон область, Ойим районидаги Калинин номли колхозининг бригада бошлиғи.

104. **Аҳмедов** Ёқуб — Ўзбекистон К(б)П Сурхондар'ё область комитетининг секретари.

105. **Охунжонов** Мелижон — Фарғона ёғ комбинати цехининг бригада бошлиғи.

106. **Охунов** Ғанижон — Ўзбекистон К(б)П Фарғона область, Қува район комитетининг секретари.

107. **Охунов** Пўлатбой — Наманган область, Уйчи районидаги «Қизил тўлқин» колхозининг звено бошлиғи.

108. **Очилов** Мўмин — Самарқанд область, Зомин районидаги 3-нчи МТСнинг директори.

109. **Ашуралиев** Турғун — Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги министрлиги Сурхондар'ё область бошқармасининг бошлиғи.

110. **Ашуров** Умар Қосимович — Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари.

111. **Аюпов** Ғаббос Ғатауллаевич — Ўзбекистон К(б)П Фарғона область, Бувайда район комитетининг секретари.

Советлар давлат ҳокимиятининг илгари тарихда мисли кўрилмаган янги шакли сифатида ўзига хос битмас-туганмас куч ва характерли хусусиятларга эгадир. Бу кучнинг манба'лари ва хусусиятлари ўртоқ Сталин томонидан аниқ-равшан кўрсатиб, та'рифлаб берилган.

Даставвал, Советларнинг кучи шундаки, улар шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнат аҳлларини бирлаштирадиган, социализмнинг зарурий шартларидан бири бўлган ишчи-деҳқон иттифоқини гавдалантирадиган, изчил демократияни ўз ичига оладиган жуда кенг **оммавий ташкилотдирлар.** Улар ишчилар синфининг меҳнаткашларга бўлган сиёсий раҳбарлигини партия етакчилигида амалга оширадилар. Большевиклар партияси ўзининг кундалик раҳбарлиги блан бу ташкилотнинг кўламини янада кенгайтиради, уни янада кўпроқ оммавийлаштиради.

Буржуа партияларининг муваффақиятсизликка учраб келганлиги ва ҳозирда ҳам учраётганлигининг сабабларидан бири ҳам шундаки, улар ўзларини омма блан боғлашга, унга ўз та'сирларини ўтказишга ёрдам берадиган ана шундай ташкилотга эга эмаслар.

Сўнгра, Советларнинг кучи шундаки, улар ўтмишда эзилиб келган барча мазлумларни, истисносиз барча меҳнаткашларни **бирлаштирадиган бирдан-бир** оммавий ташкилотдир. Шунинг учун ҳам бу ташкилот омманинг сиёсий курашига, унинг тинч ижодий меҳнатига, фаровон ҳаёт кечириш учун курашга партиянинг, авангарднинг раҳбарлигини анча мукаммаллаштиради ва осонлаштиради. Ана шу сабабдан ҳам оммани партия блан боғлайдиган дастаклар ичида энг кучлиси, энг муҳими Советлардир.

Советларнинг яна бир кучи шундаки, улар омманинг революцион курашларида ҳам, сиёсий фаолиятида ҳам, шунингдек, тинч социалистик қурилиш даврида ҳам **энг қудратли органларидир.** Советлардаги бу қудратнинг асосий манбаи унга дун'ёда энг илғор большевиклар партиясининг раҳбарлик қилаётганлигида ва Советлар блан меҳнаткашлар ўртасидаги доимий алоқанинг мустаҳкамлигидадир. Бу раҳбарлик ва бу алоқа совет ҳокимияти ғалабаларининг гаровидир.

Ниҳоят, Советларнинг кучи шундаки, улар омманинг **бевосита** ташкилоти, я'ни **энг демократик,** бинобарин, энг **обрўли** ташкилотидир. Бу ташкилот омманинг янги давлатни барпо этиш ва уни идора қилишда кенг иштирок этишини ғоят осонлаштирадиган ва унинг революцион ғайрати, ижодий ташаббуси ҳамда қобилиятини кучайтиришга кенг йўл очиб берадиган энг обрўли ташкилотдир.

Меҳнаткашлар депутатлари Олий Советидан тортиб то маҳаллий Советларгача ҳаммасига ўтган сайловларда 1 миллион 400 мингдан кўпроқ депутатнинг сайланганлиги, улардан ташқари, Советларда, сайловларда ишлашга ўн миллионларча актив ходимлар жалб этилганлиги бу ташкилотнинг шакли энг демократик эканлигини, давлатни идора қилишга миллионларча кишиларнинг иштирок этишига кенг йўл очишини кўрсатади.

Советларнинг ўзига хос характерли хусусиятларидан энг муҳими шуки, «Совет ҳокимияти синфий жамиятнинг ҳамма давлат ташкилотлари ичида энг интернационал давлат ташкилотидир, чунки у миллий зулмнинг ҳар қандайини йўқотиб ва турли миллатлар меҳнаткаш оммасининг ҳамкорлигига таяниб, шу блан бу омманинг бирлашиб битта давлат иттифоқи тузишини осонлаштиради» (Сталин, Асарлар, 6 том, 145—146 бетлар, Ўздавнашр). Советлар — Иттифоқимиздаги барча миллатлар ўртасида, шунингдек, улар блан чет эллардаги меҳнаткашлар ўртасида интернационал алоқаларни кучайтиришга энг кўп ёрдам берадиган давлат ташкилотидир.

СССР Олий Советидан тортиб то маҳаллий Советларгача сайланган депутатларнинг миллий составининг ўзиёқ Советлар энг интернационал давлат ташкилоти эканлигидан ёрқин далолат беради. Чунончи, СССР Олий Советига 1946 йил 10 февральда ҳар икки палатага сайланган 1.339 депутат орасида 555 рус, 175 украин, 61 грузин, 43 арман, 40 озарбайжонли, 39 ўзбек, 30 латиш, 29 литвали, 26 қозоқ, 25 эстон, 22 тожик ва бошқа жуда кўп миллат вакиллари борлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ленин ифодасича, бойлар ва мулкдорлар учун хизмат қиладиган буржуа демократияси мамлакатларида эса майда миллатлар, «қоратанлилар», мустамлака халқлари ўз депутатларини сайлашдан, демак, давлатни идора қилишга қатнашишдан бутунлай маҳрумдирлар. Чунончи, Америка Қўшма Штатларининг 48 штатида меҳнаткашларнинг сайлов ҳуқуқини чеклайдиган 50 дан ортиқ ценз (шартлар)нинг мавжудлиги жуда кўп кишини, масалан 1942 йилда 12 миллион кишини сайлов ҳуқуқидан маҳрум этган. Жуда кўп капиталистик мамлакатларда юз минглаб хотин-қизлар, миллионлаб мустамлака халқлари, ўн минглаб солдат ва матрослар ва майда миллатлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Советларнинг яна бир характерли хусусияти шуки, улар қонун чиқарувчи органлар блан ижро этувчи органлар ўртасида илгари, чунончи буржуа давлатларида мавжуд бўлган ажралишга бутунлай барҳам бериб, буларнинг иккаласини бирлаштиради. Давлатимиз мазкур функцияларнинг ягоналигини та'минлайди, меҳнаткаш оммани, давлат идора органлари блан бевосита боғлаган ҳолда, давлатни бошқариш ишларига жалб этади.

Демак, СССРнинг социалистик системаси ва унга мос келадиган ишлабчиқариш қуроллари ҳамда воситаларининг ижтимоий мулк эканлигидан иборат бўлган иқтисодий негизи блан бирга, унинг сиёсий негизи—Советлар ҳам ғоят қудратли, ҳаётчан, демократик негиздир.

«Шундай қилиб, Советлар Республикаси бу кунгача изланган ва охирида топилган шундай бир сиёсий формадирки, пролетариатни иқтисодий жиҳатдан озод қилиш иши, социализмнинг тўла ғалабаси мана шу форма доирасида амалга оширилмоғи керак» (Сталин, Асарлар, 6 том, 147 бет, Ўздавнашр).

☆

Советларнинг асосий етакчи, йўналтирувчи, сафарбар этучи ва раҳбарлик қилувчи кучи Ленин — Сталин партиясидир. Давримизнинг ақл-идроки, шараф-шони бўлган партиямизнинг ғоявий ва амалий раҳбарлиги Советлар фаолиятининг социалистик мазмунига мазмун, кучига куч, ташаббусига ташаббус қўшади, унинг йўлини марксизм-ленинизм та'лимотининг маш'алдек ёруғ нури блан ёритиб туради.

Большевиклар партияси раҳбарлик қилгани учунгина Советлар миллионларча меҳнаткашларни коммунизм қурилиши соҳасида олдимизда турган улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар қилишга қодир бўлган қудратли ва қулай, та'сирчан ва ҳаётчан кучга айланиб қолди. Совет халқи ўз жонажон партиясига, улуғ доҳиси, Совет Республикалари Иттифоқининг асосчиси буюк Сталинга чексиз ишонади.

Социалистик давлатимизнинг сиёсий шакли бўлган Советлар ғояси оламшумул тарихий аҳамиятга эгадир. Чет эллардаги меҳнаткашлар **Ленин, Сталин, Москва, Кремль, СССР** сўзлари блан бирга, **Совет** деган сўзни ҳам зўр мамнуният ва ҳавас блан тилга оладилар. Совет сўзи ҳамма учун тушунарли ва қимматли бўлган интернационал сўз бўлиб қолди.

СССР Олий Советига бўладиган сайловлар Совет Иттифоқининг куч-қудратини, халқаро обрўсини янада оширади, Советларни ғоят даражада мустаҳкамлайди, коммунистлар блан партиясизлар блокини янада кучайтиради.

Х. САМАТОВА.
Юридик фанлар кандидати.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун умумхалқ мусобақасини кучайтирамиз!

Наманган область илғор пахтакорларининг кенгаши

НАМАНГАН, 27 январь. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). 26 январьда илғор пахтакорларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда колхоз раислари, бригада, звено бошлиқлари, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва партия, совет ҳамда комсомол активларидан 1.500 га яқин киши қатнашди.

Кенгаш республика пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини муҳокама қилди.

Кенгашда доклад қилган — область партия комитетининг секретари ўртоқ Муҳиддинов 1949 йилда пахтачилик соҳасидаги ишларнинг якунлари ва 1950 йил вазифалари ҳақида муфассал гапирди. Докладчи 1949 йилда пахтачилик соҳасида йўл қўйилган жиддий хатоларни кўрсатиш блан бирга, бу хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб берди. Шу блан бирга, 1950 йилда қилинадиган муҳим вазифаларни—кўкламга большевикча тайёрланиш вазифаларини кўрсатиб ўтди.

Кенгаш 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашни ҳарбир колхоз, совхоз ва МТС да оммавий ҳаракатга айлантириш шиори остида ўтди.

Ўтган йили 353 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ошириб пахта топширган Янгиқўрғон район, Ойқирон қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Қодиров кенгашда колхоз а'золари бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашажакларини айтди.

Уйчи район, Бояхон қишлоқ советидаги «САКУ» колхозининг раиси, VI қурултой вакили ўртоқ Саломатхон Мамадалиеванинг сўзини кенгаш қатнашчилари зўр диққат блан тингладилар.

— Колхозимиз,—деди ўртоқ Мамадалиева,—ўтган йили ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил топширди. VI қурултой вакилларининг мурожаатини муҳокама қилиб чиққанимиздан кейин, колхозчиларимиз бу йил 400 гектар ерга пахта экиш, ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил етиштиришга қарор қилдилар. Колхозимизнинг а'золари шу кунларда кўкламга тайёрлик ишларини ҳартарафлама кучайтирмоқдалар. Барча ерлардаги ғўзапоя йиғиштириб олинди. Қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилди, арик-зовурлар тозаланмоқда, маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарилмоқда.

Ўртоқ Мамадалиева Уйчи район, Бирлашган қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз а'золарини ўз колхозчилари номидан социалистик мусобақага чақирди. Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Валиев «САКУ» колхози а'золарининг чақириғини қабул қилиб, колхозда кўкламга тайёрлик ишлари қизғин олиб борилаётганлигини гапирди.

Кенгашда Учқўрғон районидаги «XVII Партс'езд» колхозининг раиси Раззоқов, Чуст район, Олмос қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси Сулаймонов, Наманган районидаги Сталин номли колхознинг раиси Н. Убайдуллаев ва шу колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дарвеш Убайдуллаев ўртоқлар ҳам қурултой вакилларининг мурожаатини қизғин ма'қуллаганликларини ва 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун чинакам курашга бел боғлаганликларини айтдилар.

Кенгашда Уйчи район партия комитетининг секретари А. Иброҳимов, Учқўрғон район партия комитетининг секретари З. Сатторов, Косонсой район партия комитетининг секретари Нурматов, Янгиқўрғон район партия комитетининг секретари Қосимов, Поп район ижроия комитетининг раиси Раҳимов ўртоқлар ўз районларидаги колхозлар бу йил пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан янги мажбуриятлар олаётганликларини та'кидладилар.

1949 йилда пахта тайёрлаш планини ошириб бажарган Тўрақўрғон район партия комитетининг секретари ўртоқ Отабеков, бу йил ҳар гектар ердан 27 центнердан пахта етиштириш шарти блан Чуст район пахтакорларини социалистик мусобақага чақирди.

Кенгаш қатнашчилари халқлар доҳиси ўртоқ Сталинга гулдурос олқишлар остида телеграмма қабул қилиб, 1950 йилда область бўйича ҳар гектар ердан камида 27 центнердан пахта топширишга ва'да бердилар.

САМАРҚАНД ВА ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

САМАРҚАНД, 27 январь. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан**). Бу ерда илғор пахтакорларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашга илғор пахтакорлар, бригада ва звено бошлиқлари, колхоз ва қишлоқ советларининг раҳбарлари, МТС, сув хўжалиги ва ер органларининг ходимларидан 1.200 дан кўпроқ киши қатнашди. Кенгашда Фарғона областидан келган колхозчиларнинг вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати ва 1950 йилда пахтачилик соҳасидаги вазифалар ҳақида область партия комитетининг секретари ўртоқ Алимовнинг докладини эшитдилар ва муҳокама қилдилар. Ўртоқ Алимов 1949 йилда пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига сабаб бўлган жиддий камчиликлар ҳақида, шунингдек 1950 йилдаги вазифалар тўғрисида муфассал тўхталиб, мўл ҳосил етиштириш учун умумхалқ социалистик мусобақасини кучайтиришга чақирди.

Доклаждан кейин кенгаш қатнашчилари пахтадан юқори ҳосил олишда ортдирган бой тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар. Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли колхознинг раиси ўртоқ Носиров бундай деди:

— Колхозимиз илгари камҳосилли ва камқувват ҳисобланар эди. Агротехника талабларини тўғри амалга ошириш, ҳарбир ишни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш, ернинг шароитига қараб ғўзани парвариш қилиш натижасида, кейинги йилларда юқори ҳосил етиштириб, илғорлар қаторига ўтиб олди. 1949 йилда 397 гектар ернинг ҳар гектаридан 29 центнердан пахта топширдик. Биз бу муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш учун, мўл ҳосил учун курашни давом эттирмоқдамиз. Ўзбекистон пахтачилик илғорларининг VI қурултойи қатнашчиларининг мурожаатини муҳокама қилиб, бу йилги вазифаларимизни аниқлаб олдик. Бу йил биз ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш учун ишга киришдик. 320 гектар ер шудгор қилинди, ҳайдашдан олдин ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Ҳозир 160 колхозчи арик-зовурларни тозалашда ишлаётир, 13 плуг, 7 сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ремонтдан чиқарилди, далага маҳаллий ўғит ташилмоқда. Отхўкизлар боқувга қўйилди.

Пастдарғом районида янгидан-янги пахта усталари етишиб чиқмоқда. Димитров номли колхознинг звено бошлиғи ўртоқ Қўлдошев — ана шундай юқори ҳосил усталаридан бири. Ўртоқ Қўлдошев бошлиқ звено а'золари ўтган йили ҳар гектар ердан 66,5 центнердан пахта берди. Бу йил бу звено а'золари 100 центнер учун курашмоқдалар. Кенгаш қатнашчилари ўртоқ Қўлдошевнинг сўзини завқ блан эшитдилар. Ўртоқ Қўлдошев Каттақўрғон районидаги Каганович номли колхознинг ўртоқ Шаҳри Раҳматова бошлиқ звеноси а'золарини социалистик мусобақага чақирди. Бу икки илғор звено кенгашда гектаридан 100 центнер ҳосил етиштириш учун мусобақа боғлади.

Метон район партия комитетининг секретари ўртоқ Саноқулов ўз сўзида бундай деди:

— Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ёрдами туфайли Метон районининг колхозчилари илгари камҳосилли ҳисобланган ерларда пахта ҳосилини йилдан-йилга ошираётирлар. Илгари ҳар гектаридан олинган ҳосил 7—8 центнердан ошмаган бу районда энди «Байроқ бирлашув» колхози каби гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштираётган колхозлар кўп.

Районимиз колхозчилари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари қурултойи вакилларининг чақириғи асосида ишлаб, 1950 йил вазифаларини бажаришга бел боғладилар. Бу йилги мўл ҳосил учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Арик-зовурларни тозалаш кенг миқ'ёсда олиб борилмоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқарилаётир.Қишлоқ хўжалик асбобларининг ремонти тезда тамомланади. Шу блан бирга, ўртоқ Саноқулов мусобақадош Иштихон районида кўкламга тайёргарлик ишлари бўш бораётганини қаттиқ танқид қилди.

Самарқанд қишлоқ районидаги Каганович номли колхознинг раиси ўртоқ Иброҳимов колхоз а'золари пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини муҳокама қилиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганликларини билдирди.

Фарғона районидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг раиси ўртоқ Тожибоев минбарга чиқиб, Самарқанд қишлоқ районидаги Каганович номли колхозни пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан социалистик мусобақага чақирди.

Кенгашда Самарқанд қишлоқ райони блан Фарғона район пахтакорлари ўртасида ҳам социалистик мусобақа шартномаси тузилди. Шунингдек, Қорадар'ё районидаги «Пахтакор» колхози Фарғона область Тошлоқ районидаги Юсупов номли колхоз блан мусобақа шартномаси тузди.

Пастдарғом районидаги «Қизил қўшин» колхозининг раиси ўртоқ Аблиев колхоз а'золари, мурожаатга жавобан, бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганликларини айтди. Ўртоқ Абдиев кенгаш қатнашчиларини 40 центнерчилик мусобақасини бошлаб юборишга чақирди. Унинг чақириғига Каттақўрғон районидаги Каганович номли, «Оқолтин», Жиззах районидаги Карл Маркс номли, «Комсомол», Пастдарғом районидаги Ворошилов номли, «Маданий инқилоб» колхозлари ва яна 200 дан кўпроқ колхоз қўшилди.

Кенгашда Фарғона колхозчилари вакилларининг бошлиғи — область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Усмонхўжаев Фарғона пахтакорлари қурултойда олган мажбуриятларини амалга ошириш учун қилаётган ишлари ҳақида сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати асосида 1950 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан Фарғона области пахтакорлари блан социалистик мусобақа мажбуриятини қабул қилдилар.

☆

Мусобақадош Фарғона колхозчиларининг вакиллари ҳар икки область ўртасида тузилган мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш учун районларга чиқиб кетдилар.

35 центнер учун курашмоқдалар

Тошкент область, Мирзачўл район, Золотая Урда қишлоқ советидаги «Ёш Ленинчи» колхоз а'золари республика илғор пахтакорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаатини муҳокама қилиб, 1950 йилда пахтадан янада юқори ҳосил олиш тадбирларини белгилаб чиқдилар. Колхоз раиси, VI қурултой вакили ўртоқ Яминбой Қозоқбоев колхозчилар йиғилишида шундай деди:

— Ўтган йили пахта тайёрлаш планимизни бажарган бўлсак ҳам, социалистик мусобақа юзасидан олган мажбуриятимизни бажара олмадик. Бунга асосий сабаб шуки, қишки ишларни ўз вақтида ўтказмадик. Ерни, шароитига қараб, экишга юқори сифатли қилиб тайёрламадик. Бу йил мана шу хатоларимизни тузатиб, республикамизнинг давлатга ўтган йилга нисбатан 500 минг тонна ортиқ пахта топширишига муносиб ҳиссамизни қўшишимиз керак.

Бригада ва звеноларнинг бошлиқлари ўз ишлари тўғрисида гапириб, 1950 йилда пахтадан юқори ҳосил етиштириш юзасидан янги мажбуриятлар олдилар. Сулаймонов, Тиллаев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олиш учун бир-бирларини социалистик мусобақага чақирдилар. Колхозчилар колхоз бўйича гектаридан 35 центнердан ҳосил беришга қарор қилдилар.

Мурожаатга якдиллик блан қўшилмоқдалар

АНДИЖОН, 28 январь. («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи вакилларининг мурожаати Андижон район колхозларида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Андижонлилар ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмадилар. Ёрбоши қишлоқ советидаги Сталин номли, Дзержинский номли колхозлар об-ҳаво шароитининг барча қийинчиликларини енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлганлари ҳолда, бошқа кўп колхозлар ўз мажбуриятларини бажармадилар. Бу колхозлар меҳнатни ташкил қилиш, мавжуд имкониятлардан фойдаланишда кўпгина хатоларга йўл қўйдилар.

Завроқ қишлоқ советидаги Сталин номли колхоз районда энг юқори ҳосилли колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари ўтган йили 341 гектар ерга пахта экиб, ҳар гектардан 29 центнердан ҳосил топширган бўлсалар ҳам пахта тайёрлаш планини бажармаган эдилар. Колхоз а'золари ўз йиғилишларида қурултой вакилларининг мурожаатини муҳокама қилиб, бу йил ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Йиғилишда сўзлаган колхоз раиси ўртоқ Чортоқбой Азимов бундай деди:

— Биз пахта экадиган ерларимизни ғўзапоядан тозаладик ва бир қисмини шудгор қилиб қўйдик. Ҳозир кўкламга тайёрлик ишларини қизитиб юбориш учун бригада, звеноларнинг ерларини аниқлаб, қишлоқ хўжалик асбоблари, от-улов кучлари ва бошқа нарсаларни уларга бириктиб бердик. Колхоз территориясидаги арик-зовурлар тозаланди. Далага 1.000 тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқарилди. 120 тонна минерал ўғит ташиб келтирилди. Колхозимиз бу йил Завроқ адри бағридаги янги 100 гектар ерга пахта экади.

Райондаги 46 та колхоз мурожаатга қўшилиб, гектаридан 30 центнердан 45 центнергача ҳосил етиштириш мажбуриятини олди. 51 бригаданинг ҳарбири 50 центнердан 75 центнергача, 150 звенонинг ҳарбири 60 центнердан 100 центнергача пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олиб, ўзаро социалистик мусобақа шартномаси туздилар.

Район колхозларида кўкламга тайёрлик ишлари кучайтирилмоқда. Ҳозиргача 3 ярим минг гектар пахта майдони шудгор қилинди, 6 минг тонна минерал ўғит ташиб келтирилди. Пахта далаларига 12 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди.

Андижонлилар ўз устларига олган мажбуриятни шараф блан адо этиш, экишга тайёрлик ишларини СССР Олий Советига сайловлар кунигача тугаллаш учун курашмоқдалар.

А. ҲАМДАМОВ.

СОВЕТ — ПОЛЬША САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

СССР Ташқи савдо министрлиги блан Польша Савдо Делегацияси ўртасида дўстона ҳамкорлик вазиятида олиб борилган музокаралар натижасида шу йил 25 январьда 1950 йилда ўзаро мол етказиб бериш тўғрисида Протокол имзоланди.

Ҳар икки томон ўзаро савдо-сотиқ ишларини янада ривожлантиришга интилиб, 1950 йилда ўзаро мол оборотини 1948 йил 26 январьда тузилган бешйиллик Битимда кўзда тутилган йиллик мол етказиб бериш миқдорига нисбатан анча кучайтириш тўғрисида бир фикрга келдилар.

1950 йилда СССР блан Польша ўртасидаги умумий мол обороти 1949 йилдагига нисбатан 34 процент ортади. Кредит битимлари ҳисобига Совет Иттифоқи томонидан ишлаб бериладиган мол ва ускуналар ҳам шу ҳисобга киради.

Мазкур Протоколга мувофиқ, Совет Иттифоқи Польшага 1950 йилда пахта, темир, марганец ва хром рудалари, автомашиналар, тракторлар, қишлоқ хўжалик ва полиграфия машиналари, нефть маҳсулотлари, химикатлар, озиқ-овқат моллари ва Польша халқ хўжалигига керак бўлган бошқа моллар етказиб беради.

Польша 1950 йилда ССР Иттифоқига кўмир, темирйўл вагон ва паровозлари, рангли ва қора металлар, газлама, қанд ва бошқа моллар етказиб беради.

Протоколга Совет томонидан Ташқи савдо министри М. А. Меньшиков, Польша томонидан Ташқи савдо министри Тадеуш Гедэ қўл қўйдилар.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ҲАРАКАТИ КЕНГАЙМОҚДА ВА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

БЕРЛИН, 27 январь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси хабар беради: кеча Потсдамда Бранденбург ўлкаси ландтагининг Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитети мурожаатига бағишланган тантанали мажлиси бўлди. Мажлисда Бранденбург ўлкаси жамоатчилигининг вакиллари ҳам қатнашдилар. Мажлисда резолюция қабул қилинди. Резолюцияда бундай дейилади: бранденбург ўлкаси ландтагининг депутатлари ҳозиргача тинчлик учун кураш ҳаракатига қўшилмаган ҳамма кишиларни бу ҳаракат сафига тортиш, шунингдек ҳали ҳам америка монополия капитали томонидан советларга қарши олиб борилаётган пропаганда та'сиридан қутилаолмаган кишиларга ҳақиқатни тушунтириб бериш мажбуриятини оладилар».

«Бранденбург ўлкасининг ландтаги, — дейилади сўнгра резолюцияда—ўлканинг ҳамма аҳолисини тинчликни сақлаш мақсадида актив ҳамкорлик қилишга чақиради. Миллий фронт сафида бирлашингиз! Ҳамма ерда Миллий фронт комитетлари тузингиз! Ўлканинг барча район, шаҳар ва қишлоқ идора органларида тинчлик учун курашга тайёр эканлигингизни билдирингиз!».

Газетанинг хабарига қараганда, Бранденбург ўлкаси ландтаги биноси олдида Потсдам аҳолисининг катта митинги бўлган. Митингда Бранденбург ўлкасининг бош министри Руди Ян нутқ сўзлаган. Митинг Потсдам меҳнаткашларининг тинчликни зўр бериб ҳимоя қилаётганлигини равшан кўрсатди.

«Нейес Дейчланд» газетаси хабар беради: 26 январьда Мекленбург ландтаги очилди. Мажлисда Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитетининг мурожаати муҳокама қилинди. Ландтаг депутатлари мурожаатда илгари сурилган талабларни актив қўллаб-қувватлаш, тинчлик учун кураш зарурлигини Мекленбург аҳолисига яхши тушунтириш мажбуриятини олдилар.

АТОМ ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ ВА ҲАРБИЙ ХАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН КУРАШ

ИТАЛИЯДА ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ҲАРАКАТИ

РИМ, 27 январь. (ТАСС). Италиядаги тинчлик тарафдорлари ҳаракати комитетининг раиси Пьетро Ненни матбуот вакиллари блан қилган суҳбатида қуйидагиларни айтди: Тинчлик тарафдорлари жаҳон конгресси Доимий комитети бюросининг қарорига мувофиқ, Италия тинчлик тарафдорлари комитетида иштирок қилаётган парламент а'золари шу йил февраль ойида резолюция лойиҳасини тақдим этадилар. Бу резолюция лойиҳаси айни бир вақтда бошқа мамлакатларнинг парламентларига ҳам тақдим этилади. Резолюцияда ҳарбий бюджетларни ва аскар сонини қамайтириш, атом қуролини тақиқлаш, халқларга қарши қаратилган ҳарбий интервенцияларни тўхтатиш мақсадида халқаро назорат остида бевосита музокаралар бошлаш, тинчлик тарафдорларига қарши қаратилган қувғинни тўхтатиш, Бирлашган Миллатлар доирасида буюк давлатлар ўртасида тинчлик битими имзолаш таклиф этилади.

«Унита» газетаси Ненни баёнотини шарҳлаб бундай деб ёзади: де Гаспери ҳукумати Италияни қуроллантириш тўғрисидаги, Италияни империалистик уруш оловини ёқувчилар иттифоқига расмий равишда жалб қилиш ҳақидаги битимни Вашингтонда имзолаётган пайтда тинчлик тарафдорларининг бу ташаббуси Италия учун айниқса катта аҳамиятга эгадир.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ МАМЛАКАТЛАРИДА

РУМОНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

БУХАРЕСТ. Румония халқ республикаси буюк Миллат мажлисининг навбатдаги 6-нчи сессияси очилди.

Сессияни буюк Миллат мажлиси президиумининг раиси К. Пархон очди.

Сессиянинг иш органлари сайлангандан кейин Румония ишчилар партияси Сиёсий бюроси а'золигига кандидат Киву Стойка Василь Коларов хотирасига бағишлаб нутқ сўзлади. У ўз нутқида инсоният улуғ гениялари Ленин ва Сталиннинг содиқ шогирди, Георгий Димитровнинг энг яқин сафдоши, Совет Иттифоқининг содиқ ва саботли дўсти Василь Коларовнинг вафоти муносабати блан румин халқи чуқур қайғуга тушганлигини айтди.

Мажлис аҳли оёққа туриб Василь Коларов хотирасини эсга олди.

Молия-иқтисод ва ҳуқуқ комиссиялари сайлангандан кейин Министрлар совети раисининг ўринбосари ва молия министри Василе Лука Румония халқ республикасининг 1950 йилдаги бюджети ҳақидаги қонун лойиҳасини, шунингдек мол оборотига солиқ солиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини сессия муҳокамасига таклиф этди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ДАР'Е ТЎҒОНЛАРИ ТИКЛАНМОҚДА ВА КАНАЛЛАР ҚУРИЛМОҚДА

ПЕКИН. Синьхуа агентлиги хабар беради: Янзи ва Хуайхе дар'ёлари водисида сув тошқинларининг олдини олиш ва экин майдонларини кенгайтириш мақсадида дар'е тўғонларини ва дамбаларни тиклаш, янги каналлар қуриш ишлари кучайтириб юборилди. Ер ишларида миллионларча деҳқонлар қатнашмоқда. Янзи дар'ёсининг шимолий қирғоғида гоминдан қўшинлари қазиган хандақ ва чуқурларни кўмиш мақсадида бирнеча юз километр ерда 200 миллион кубометр тупроқ чиқарилди. Ўтган ёз фаслидаги сув тошқинлари вақтида бузилган тўғонлар тузатилмоқда.

Цзянсу вилоятининг шимолий қисмида 200 километр узунлигида канал қурилиши натижасида, илгари бўш ётган 2 миллион 300 минг акрдан кўпроқ ер ҳайдалиб, ишга солинади. Захи қочирилган бу ерда ҳар йили 300 минг тоннадан кўпроқ ғалла етиштирилади.

Қурилиш қатнашчилари орасида ишни тезроқ ва сифатли қилиб бажариш учун мусобақа қизиб кетди. Кўпгина кишиларга «намунали ишловчи» деган ном берилди.

27 январь. (ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ СОФИЯДАН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Булғория Коммунистлар партиясининг отоқли раҳбари, Булғория Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Василь Коларовни дафн қилиш маросимида қатнашган ўртоқ К. Е. Ворошилов бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси 27 январьда Софиядан Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

«МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИЯСИ УЧУН» ГАЗЕТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ ЧИҚДИ

БУХАРЕСТ, 27 январь. (ТАСС). «Мустаҳкам тинчлик учун, халқ демократияси учун» газетасининг навбатдаги тўртинчи (64-нчи) сони чиқди.

Газетада «Мустамлака ва қарам мамлакатларда миллий-озодлик ҳаракати кучаймоқда» сарлавҳали бошмақола босилган.

Газетанинг бу сонида ўртоқ П. Н. Поспеловнинг В. И. Ленин вафот этганига 26 йил тўлиши муносабати блан Москвадаги тантанали-мотам мажлисида қилган доклади босилган. Газетада Василь Коларовнинг хотирасига бағишланган мақола бор, мотам рамкаси ичида Василь Коларовнинг сурати ҳам берилган.

Газетада Италия компартияси Марказий комитетининг а'зоси Пайеттнинг «Италиядаги ўнг социалистлар бошиберк кўчага кириб қолдилар» деган мақоласи, Войцех Вилинанинг «Француз реакцияси кенг миқ'ёсда операциялар ўтказмоқда» сарлавҳали мақоласи, Милко Миличнинг «Воеводина Тито тўдаси асоратида» сарлавҳаси блан Югославияда ёзган хати босилган.

Газетанинг бу сонида «Миллион-миллион кишилар тинчлик учун курашга отланмоқда» деган сарлавҳа остида кўпгина хабарлар ва бошқа материаллар ҳам босилган.

Гоминдан авиациясининг Шанхайга ваҳшиёна ҳужуми

ПЕКИН, 27 январь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг Шанхай мухбири хабар беради: гоминданчилар қўлидаги америка бомбардимончи аэропланларидан 14 таси 25 январьда Шанхайга ҳужум қилди. Бу ҳужум натижасида қарийб 400 киши ўлди ва ярадор бўлди. 400 дан ортиқ уй-жой хароб қилинди.

Шанхай аҳолиси гоминдан авиациясининг ваҳшиёна ҳужумига қарши нафрат блан норозилик билдирмоқда.

ИТАЛИЯДА АНГЛИЯ БЛАН АМЕРИКА ЎРТАСИДА ИХТИЛОФ

ГААГА, 27 январь. (ТАСС). «Де Вааргейд» газетасининг мухбири Италияда Англия блан Америка ўртасида чиққан ихтилофлар ҳақида мақола босиб чиқарди. Мақолада бундай дейилади:

«Англия ташқи ишлар министрлигига яқин турган доираларда ма'лум бўлишича, Италияда Америка тарафдорларининг Британияга қарши олиб бораётган кампанияси Англия ҳукуматини жиддий ташвишга солмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, сўнгги ойларда Италия сиёсий доираларининг Англияга муносабати анча ўзгарди...

Англия вакилларининг айтишича, Италияда Британияга қарши олиб борилаётган кампанияга Америка дипломатияси блан яқин боғланган сиёсий ва иқтисодий доиралар пул бермоқдалар. Шу муносабат блан Лондонда америкалиларнинг Италияда Британияга қарши олиб бораётган ишларига қарши бирқанча тадбирлар кўришга қарор қилинди. Масалан, радиода ва матбуотда Англия блан Италия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида пропаганда кучайтирилиши лозим; америкалиларнинг Англия блан Италия ўртасидаги ҳамкорликни барбод қилишга қаратилган тадбирларини фош қилувчи материалларни кўпроқ босиш мақсадида ба'зи газеталарга пул блан ёрдам берилиши керак. Газеталар Америка Қўшма Штатларининг Италиядаги сиёсий-иқтисодий ишларга аралашаётганлигини ҳам фош қилишлари лозим. Сўнгра инглизлар итальян саноат эгаларига камчил молларни Англиядан сотиб олиш юзасидан бирқанча енгилликлар бериш ва енгил шартлар блан Италияга инглиз қурол-яроғлари келтиришни янада кўпайтириш ниятидадирлар».

ПОЙТАХТИМИЗДА

Ўзбекистон ҳунармандчилик саноати бошқармаси ҳузуридаги Тошкент саноат-иқтисод техникумида. **Суратда:** ўқитувчи-уста Тоҳир Тўхтахўжаев студент Қобил Юнусовга ўймакорлик сан'атини ўргатмоқда. И. Юсупов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Юбилей виставкасининг катта муваффақияти

Пойтахтнинг муҳташам биноларидан бири — Тошкент темирйўлчилари маданият саройида Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллигига бағишлаб очилган юбилей виставкаси катта муваффақият қозонмоқда. Тошкент меҳнаткашлари, республиканинг бошқа шаҳар ва районларидан келган минглаб кишилар виставкани зўр ҳавас блан тамоша қилмоқдалар. Виставкани саноат корхоналарининг ишчилари, мутахассислари, ўқув юртларининг студентлари ва шаҳар атрофидаги колхозларнинг а'золари коллектив бўлиб келиб кўраётирлар.

Виставка очилгандан буён ўтган дастлабки бирнеча кун мобайнида виставкани 100 мингдан ортиқ киши келиб кўрди. Виставкага келган ҳарбир киши республикамиз 25 йил мобайнида қўлга киритган ютуқлар блан мукаммал танишмоқда.

Намунали маданият саройи

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси маданият саройининг иши ҳаржиҳатдан мақташга арзийди. Саройдаги бадиий ҳаваскорлар тўгаракларининг иши кенг кўламда ташкил этилган. Ишчилар адабиёт, драма, хор тўгаракларида, ўзбек ашула ансамблида, духовой оркестрда, ёш рассомлар тўгарагида шуғулланаётирлар.

Клубда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи комиссия, дам олишни уюштириш комиссияси, болалар ўртасида ишлаш комиссияси, техника пропагандаси ва бошқа комиссиялар ишлайди.

Клубнинг планига мувофиқ, лекциялар мунтазам равишда ўтказилиб турилади. Ишчилар «Дун'ё харитаси олдида» деган темадаги, шунингдек Сталин мукофоти лауреатлари ҳақидаги ва табиий-илмий темадаги лекцияларни катта қизиқиш блан эшитмоқдалар.

Фабрикада ишловчи ёшлар дам олиш вақтини маданий ва хушчақчақлик блан ўтказадилар. Одатда, ёшларнинг кечалари бирон темага бағишлаб ўтказилади. «Комсомолнинг тўрт орден блан мукофотланиш тарихи», «Ишчи-ёшлар — китобга!» деган темалардаги кечалар ва «Оммавий ашулалар кечаси» айниқса қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Маданият саройи олиб бораётган ишлаб чиқариш-техника пропагандаси ишлабчиқариш планларини муваффақиятли бажаришда «Қизил тонг» фабрикаси коллективига катта ёрдам бермоқда. Технологлар ва ишлабчиқариш новаторларининг кечалари ёшларга айниқса катта ёрдам бермоқда.

Маданият саройи ҳузурида болалар клуби ташкил этилган. Бунда болалар суратлар чизадилар, гул тикиш блан шуғулланадилар, хор ва танца тўгаракларида қатнашадилар.

Ҳар куни кундузи соат 2 да фабрика радиоузели янгиликлар ҳақида эшиттириш беради.

Тикувчилар маданият саройи ишчиларнинг чинакам сиёсий тарбия ва маданий дам олиш марказига айлантирилган.

Фабрикада янги клуб

Тошкентдаги 2-нчи пойафзал фабрикасида ишчилар учун янги клуб очилди. Клуб яхши жиҳозланди, мебельлар ва чолғу асбоблари сотиб олинди. Клуб ҳузурида бирнеча виставка ташкил этилди. Клубда сайлов муносабати блан лекция, суҳбат ва докладлар ўтказилмоқда. Ишчиларга бадиий ҳаваскорлар тўгараги а'золари ва сан'ат усталарининг иштироки блан концерт ва тамошалар қўйиб берилмоқда.

Ихтиро'чилар мукофотланди

Тошкентдаги электр лампалар заводида оммавий ихтиро'чилик ва рационализаторлик кўриги якунланди. Кўрик даврида жуда кўп ихтиро'чилик таклифлари тушди. 3 ойлик кўрик давридаги таклифларни амалга ошириш натижасида завод йилига қарийб бир миллион сўм маблағни тежаш имкониятига эга бўлади.

Заводнинг асбобсозлари янги конструкциядаги 20 дан ортиқ асбобни ишлаб чиқишни ўзлаштирдилар. Инженер Г. Смолиевский таклиф қилган илмоқ автоматининг эксперименталь пичоқлари одатдаги пичоқлардан юз марта унумли ишлайди. 39-нчи цех рационализаторларидан Чернов, Говоров ва бошқа ўртоқларнинг таклифларини ишлабчиқаришда амалга ошириш заводга анчагина қулайлик келтиради.

Кўрик жюрисининг қарорига мувофиқ, 3 минг сўмлик биринчи мукофот асбобсозлик цехига, 1.500 сўмлик иккинчи мукофот 39-нчи тайёрлаш цехи коллективига берилди. Кўрикда актив қатнашган Перескопов ва Модин ўртоқларнинг ҳар бири 500 сўмдан мукофот олди.

Юбилей совғаси

Йўллар министрлигига қарашли машинасозлик заводининг донгдор темирчиси ўртоқ Не'мат Аюпов Ўзбекистон ССРнинг 25 йиллик юбилейи кунида янги уйга кўчиб кирди. У шонли байрамни ўзига совға қилиб берилган уйда ўтказди. Мастер ўртоқ Назаренко ҳам республика юбилейини ўз оиласи блан янги уйда байрам қилди.

Завод ишчилари учун 24 квартирли турар-жой биноси қурилиши тугалланаётир. Завод ишчи-хизматчиларидан 17 киши якка тартибда уй-жой қурмоқда. Завод ма'мурияти уй қурувчиларни ёғоч, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари блан та'минлади.

Яқинда завод ишчиларига 4 квартирли турар-жой берилади. 32 ишчининг оиласи янги қурилган ёруғ уйларга кўчиб кирди.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар активининг йиғилиши

27 январьда Тошкент шаҳар хотин-қизлар активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни шаҳар партия комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири ўртоқ Ф. Ниёзова очди.

Йиғилиш қатнашчилари фахрий президиумга ВКП(б) Марказий Комитетининг халқлар доҳиси улуғ Сталин бошлиқ Сиёсий бюросини сайладилар.

Йиғилишда Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси Совети Москва сессиясининг якунлари ҳақида Совет хотин-қизлари антифашист комитети президиумининг а'зоси ўртоқ Л. М. Воинова доклад қилди.

Докладчи хотин-қизларнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши ҳақида муфассал сўзлаб, тинчлик ва демократия лагери эришаётган катта муваффақиятлар тўғрисида гапирди.

Докладчи хотин-қизларнинг тинчлик учун курашдаги ролига тўхталиб, Совет хотин-қизлари бошқа мамлакатларнинг тараққийпарвар хотин-қизлари блан биргаликда тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилажакларини айтди.

Актив йиғилишида Тошкент темир йўлининг тепловоз машинисти Башорат Мирбобоева, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг артисти, Сталин мукофоти лауреати Сора Эшонтўраева, Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг стахановчи йигирувчиси Н. Баҳодирова, Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Е. В. Рачинская ўртоқлар сўзладилар.

Йиғилиш сессия қарорларини якдиллик блан ма'қуллаб, резолюция қабул қилди.

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик блан халқлар доҳиси ўртоқ И. В. Сталинга табрик хати қабул қилдилар.

Техника кабинетлари

Пойтахт корхоналаридаги маданият саройлари ва ишчи клубларида ташкил этилган Техника кабинетлари саноат ва транспорт ходимларига давлат планларини муваффақиятли бажаришда катта ёрдам бермоқдалар.

Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройи ҳузуридаги Техника кабинетида лекциялар зали ташкил этилди. Инженер-техник ходимлар турли темаларда лекциялар ўқимоқдалар, илғорлар тажрибасини оммалаштириш юзасидан «Стахановчилар сешанбалиги» ўтказилмоқда. Техника кабинетида янги тўқиш машиналари ва станокларнинг деталлари ҳамда тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқарилган газламаларнинг нусхалари қўйилган виставка бор.

Техника кабинетлари стахановчилар тажрибасини кенг оммалаштириш ва ёш ишчиларнинг малакасини оширишда корхоналарга катта ёрдам бермоқдалар.

Янги троллейбус йўли

Тошкент вокзали блан Пушкин кўчаси ўртасида бешинчи маршрут блан троллейбус қатнай бошлайди. Янги троллейбус йўли Тарас Шевченко, Чехов ва Жуковский кўчалари орқали ўтади.

Трамвай-троллейбус тресги бошқармаси троллейбус қатнайдиган янги йўлга сим тортиш ишларини тамомлади. Йўлнинг айрим жойларига асфальт ётқизиш ишлари яқинда тамомланади.

Пушкин кўчасида трамвай-троллейбусларни электр қуввати блан қўшимча та'минлайдиган станция қурила бошланди. Станция ишга тушгандан кейин, трамвай ва троллейбусларнинг қатнови тезлашади.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари: **Б. РАҲМОНОВ.**

А. П. Чехов

(Туғилган кунига 90 йил тўлиши муносабати блан)

Бугун Антон Павлович Чеховнинг туғилган кунига 90 йил тўлди. Совет халқи бу улуғ рус ёзувчисининг ижодиётига юксак баҳо беради. Чунки Чехов қабоҳатга, мешчанликка, обивательларга қарши, халқ оммасини эзган ва қоронғуликда сақлаган чор самодержавиесига қарши қўрқмай курашган улуғ сан'аткордир.

Чеховнинг Россия ва бутун инсониятнинг истиқболига бўлган ишончи уни Пушкин, Белинский, Герцен, Чернишевский, Горький блан ва рус адабиётининг бошқа машҳур арбоблари блан яқинлаштирди.

Чеховнинг дастлабки турли-туман ҳикояларидаёқ кучли ҳажв бор эди, бу ҳажв уни Гоголь ва Шедрин блан яқинлаштирди. Чеховнинг ҳикояларида мисли́з та'сирли лиризм бор.

А. П. Чеховнинг «Ҳархил ҳикоялар» деган тўплами босилиб чиққандан кейин, 1887 йилдан бошлаб Чехов адабиёт майдонига уста сан'аткор каби чиқди, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги темалар устида ишлади.

Ёзувчи «Палата № 6» номли ҳикоясида самодержавие жабр-зулмининг даҳшатли манзарасини чизиб берди. У тасвирлаган «ғилоф бандаси» — юнон тили ўқитувчиси Беликов эски жамият асосларини қўриқловчилардан бири сифатида, инсонни ғазабга келтирувчи образ бўлиб қолди. Эски жамиятда жонли ҳамма нарса жонсиз расмиятчилик пиқобига ўраб ташланган эди. Ёзувчи «Жарда» номли повестида эски рус қишлоғини, бу қишлоқдаги община асосларининг бузилишини, деҳқонларнинг табақаланишини реалистик кўрсатиб берди. Чеховнинг «Олчазор» номли пьесасида эски дворянлар жамиятининг ўсиб келаётган капитализмнинг зарбалари остида ҳалокатга учраши тасвирланган.

Сан'аткор «Ваня амаки» номли пьесасида Астров каби талантли ижодкорлар самодержавие тузуми даврида ўз кучларини ақлона ҳаёт қуришга бағишлашдан маҳрум эканликларини, профессор Серебряков каби нодонлар эса ҳалол ва фидокор кишиларни ўз шахсий мақсадлари йўлида ишлатаётганлигини жуда моҳирлик блан кўрсатиб берди.

Чехов эски жамият ҳалокатга маҳкум эканлиги ҳақидаги фикрни айтиш блан бирқаторда, рус халқининг яратувчи ижодий кучига, унинг нурли истиқболига чуқур ишонди. У, капиталистик воқи'ликнинг разил хусусиятларини тасвирлаш блан бирга, бирқатор ажойиб рус кишиларининг образини яратди.

Ҳамиша: «Оқибати нима бўлар экан-а» деб юрувчи «ғилоф бандаси»—Беликовга тарих ўқитувчиси Коваленко қарши қўйилади. Коваленко хушчақчақ киши бўлиб, ўлимтук нарсаларни ёмон кўради. Китобхон «Уч сингил» пьесасидаги Вершинин орқали Чеховнинг нурли келажакка бўлган мағрур ишончини кўради. Раневскийлар ва Гаевлар олча дарахтларининг кесилаётганини кўриб, дод-фар'ёд кўтарган бир вақтда, Аниянинг келажак қўшиғи каби янгроқ овози таралади: «Биз бундан ҳам гўзалроқ янги боғ пайдо қиламиз...».

Чехов халқ турмушини жуда яхши билгани ҳолда, халқ турмушини, рус юртининг меҳнаткашларини беҳад севгани ҳолда, халқнинг турли табақалари ҳаётини кўрсатиб берди. Биз Чехов ҳикояларида врачларни, ўқитувчиларни, почта хизматчиларини, темирйўлчиларни, актёрларни, ҳарбийларни, ёзувчиларни, жуда кўп турли-туман касб эгаларини кўрамиз.

Чехов қисқа ҳикоя—новелла жанрини яратиб, рус адабиётини бойитди. У, ёзувчиларни сўзнинг пухталиги, ифоданинг ниҳоятда гўзаллиги учун курашишга ўргатди. Чехов янги типдаги драматург эди. У, турмушни бутун психологик тўлалиги блан тасвирлаб беришда театрга янги имкониятлар очиб берди. Чеховнинг Бадиий театр блан ижодий ҳамкорлиги, «Чайка» («Оққу») пьесасининг шу театрнинг саҳнасида қўйилиши—рус театри сан'ати тарихида олтин саҳифадир. Оққу—улуғ истиқболга эга бўлган ёш театрнинг тамғаси бўлиб қолди.

Алексей Максимович Горький рус жамияти революцион прогрессив табақаларининг Чехов ижодиётига бўлган муносабатини равшан ифодалаб берди. У, Антон Павловичга 1900 йилда юборган мактубида бундай деб ёзди: «Сиз ўзингизнинг кичик ҳикояларингиз блан одамларда мудроқ, ярим ўлик ҳаётга нафрат туйғусини уйғотиб, жуда катта иш қилмоқдасиз...»

Чехов танқидий реализмининг кучи ҳақида А. М. Горький бундай деган: «Мана шу кучсиз одамларнинг зериктирувчи, кўримсиз аламони ёнидан ҳамма нарсага э'тибор блан қаровчи улуғ ва доно одам ўтди, у, ўз ватанининг мана шу зиқ кишиларига назар ташлади ҳамда чеҳрасида қайғули табассум пайдо бўлиб, юрагига юмшоқ, аммо чуқур та'на туйғулари тўлиб, умидсиз ҳасрат блан, самимий гўзал сўзларни айтди: «Турмушингизнинг мазаси йўқ, жаноблар!»

Чеховнинг «ғилоф» кийган одамларга, турмушнинг турли-туман гўзалликларини йўқотувчи ҳарбир нарсага бўлган нафрати бугунда ҳам капиталистик мамлакатлардаги буржуа тартибларини шиддат блан қораловчи садо каби янграмоқда. Ёзувчининг инсонпарварлиги буржуа реакциясининг ғайри-инсоний қиёфасига ёрқин равишда қарама-қаршидир.

Чеховнинг: «Одамнинг ҳарнарсаси: кўриниши ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикрлари ҳам гўзал бўлиши керак» деган сўзлари миллионлаб тараққийпарвар кишилар қалбига жуда яқиндир.

Совет халқи Чеховни севади ва ҳурмат қилади. Улуғ йўлбошчиларимиз Ленин ва Сталин халқимизнинг душманларига қарши курашда Чеховнинг ўткир образларидан фойдаланиб келганлар. Иосиф Виссарионович Сталин Улуғ Ватан уруши кунларида рус маданиятининг улуғворлиги ҳақида гапирар экан, Антон Павлович Чеховнинг номини ҳам рус маданиятининг энг яхши вакиллари қаторида тилга олди.

Профессор **В. БОЙЧЕВСКИЙ.**

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30 январьда, Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти Ҳалима Носирова иштирокида Концерт.

«РОДИНА», «НАВОИЙ», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм, — Ўт.

«ИСКРА» — ҳамма залда янги бадиий фильм **Берлиннинг таслим бўлиши** (1-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программада **катта цирк тамошалари.** Арбитр **П. П. Бредихин** раҳбарлигида **классик курашлар.** Ҳар куни 3 жуфт курашади.

Бугун, 29 январьда уч **марта тамоша** кўрсатилади. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 9 да бошланади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институти билдирадики, 1950 **йил 9 февраль** кундуз соат 3 да, Илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 98-нчи уй, акт залида) қуйидагилар

қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1. **З. И. Корейша:** «Полиз экинларининг сорт ва турларидаги биохимик тафовутлар» деган темада диссертация ёқлайди. Расмий оппонентлар: профессор Л. М. Ро ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати доцент В. Ф. Кузнецова.

2. **М. А. Варламов:** «Ингичка каналнинг зарарлиги» деган темада диссертация ёқлайди. Расмий оппонентлар: биология фанлари доктори Р. Олимжонов ва қишлоқ хўжалик фанлари кандидати доцент С. К. Циганков.

Диссертациялар блан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Киров кўчаси, 32-нчи уй).

Буюртмачилар материалидан
ҲАРХИЛ ИШ КИЙИМИ
чойшаб ва ёстиқ жилдлари тикиб бериш учун
ЗАКАЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ
38-146 ва 30-966-нчи телефонлар орқали мурожаат қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ ВА ГЛАВТОРГГА
Тошкент шаҳридаги торгларда ва трестларда, шунингдек жойларда ишлаш учун:
бош бухгалтерлар, старший бухгалтерлар-ревизорлар, музхона установкаларининг инженерлари
КЕРАК
Иш ҳақи ўзаро келишилади.
Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 2-нчи уй, 2-нчи қават, 2-нчи хонада кадрлар бўлимига ҳужжатлар блан келиб учрашилсин.

«ГЛАВЛЕГСБИТ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САВДО БАЗАСИГА
доим ва вақтинча ишлаш учун малакали ҳисоб ходимлари
КЕРАК
Иш ҳақи ўзаро келишилади.
Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Физкультурная кўчаси, 12-нчи уйда бош бухгалтерга мурожаат қилинсин (11-нчи трамвайнинг «Текстилькомбинат» остановкаси).

«Средазгеолнерудразведка»га
дала партияларида ишлаш учун — **геолог инженерлар, геологлар, механик техниклар, старший ва смена пармалаш мастерлари,** аппаратда ишлаш учун — **механик инженер,** лабораторияда ишлаш учун — **аналитик химиклар,** камида 7 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган **лаборант-шогирдлар**
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Севастопольская кўчаси, 7-нчи уй (1 ва 4-нчи трамвайларнинг «Колхоз бозори» остановкаси).

Са'бон кўчаси, 114-нчи уйда турувчи **Муҳамад Шарифовнинг** Тошкент қишлоқ район, Ленин қишлоқ советидаги «Ўзбекистон» колхозида турувчи Хайри Обидовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент қишлоқ район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ. Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1281. Р. 30816.